

БОҶИЙ ФИКРЛАР

Спорт — фарзандларимизнинг характери тоблайди, қалбида ўз халқи, юрти билан фахрлини туйғуларини шакллантиради.

Ислом КАРИМОВ

Мажбурий берил нусха

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
MILLIY KITOB PALATI

Kuch — bilim va tafakkurda

INV. №



Ma'rifat

ENLIGHTENMENT

XALQ ZIYOLILARI GAZETASI

معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan 2010-yil 6-noyabr, shanba № 87 (8320) ISSN 2010-6416

ФИЗИКАНИ НИМА УЧУН ЎРГАНАМИЗ?



Турфа кашфиётлар қуршовида яшаш одамга хуш ёқади. Чунки ҳозиргина биз аҳамият бермаган нарсанинг оламшумул ҳодиса эканини билиш чиндан-да қизиқарли. Физика ана шундай ҳайратларга бой фан. У олам қонуниятларини ўрганиш асносида инсон учун муҳим билимларни кашф этади.

Бугун республикамиз таълим масканларининг физика ўқув-лаборатория хоналарида яратилган шароитлар туфайли назарий билимлар амалий машғулотлар орқали мустаҳкамланмоқда. Юнусобод туманидаги 272-мактабнинг физика фани ўқитувчиси Абдувоҳит Назаров ҳам ўқувчиларини кашфиётлар қилишга ундайди. Йигирма олти йиллик тажрибага эга устоз бугунги шароитлардан руҳланиб, янада самарали ишлашга ҳаракат қилмоқда.

— Дарсни барчага маъқул тарзда ташкиллаштириш учун ўқитувчидан катта куч ва билим талаб этилади. Физика—қизиқарли ва бирмунча мураккаб фан. Агар мавзунини ўқувчиларга ўзим истаган даражада етказиб бера олсам, ўша дарсдан қаноат ҳосил қиламан, — дейди у.

Мактабда ташкил этилган “Ёш физиклар”, “Билимдонлар”, “Қизиқарли физика” тўғараклари доимо ўқувчиларга янгидан-янги билимларни ўргатиб боришда қўшимча имконият яратмоқда. Бу эса ўқувчиларнинг фан олимпиадаларида ўз билимларини намойиш этиб, фахрли ўринларни қўлга киритишига муҳим омил бўлмоқда.

Суратда: А.Назаров 9-синфда “Электр майдони” мавзусида лаборатория иши ўтказмоқда.

Бурҳон РИЗОҚУЛОВ олган сурат.

ГАЗЕТАНИ БАРАҚЛАГАНДА:

МАКТАБ ПЕДАГОГИКА КЕНГАШИ

у таълим жараёнини ташкил этишда асосий куч

3-бет

ЎҚУВЧИНИНГ БУШ ВАҚТИ


касб-ҳунар кўникмаларини эгаллашга йўналтирилмоқда

6-бет

ЎҚИЛГАН КИТОБ — БОЙЛИК

8—9-бетлар

ЎСМИРЛАРИМИЗ — ФИНАЛДА!



Галаба! Ҳаммага бирдек ёқадиган тансиқ сўз. Миллионлаб ўзбек футбол мухлисларининг қалбига қувонч улашган ўсмирларимиз юртимизда ўтказилаётган футбол бўйича Осиё чемпионатида

ярим финал босқичидан омадли ўтиб олди. Бундай юксак натижаларга ўз ўзидан эришилмаслиги табиий ҳол, албатта. Аввало, бу мамлакатимизда муҳтарам Юртбошимиз томонидан болалар спортини ривожлантириш, айниқса, футбол мактаблари фаолиятини самарали ташкил этишга қаратилган катта эътибор, кучли рағбат туфайлидир.

Спортни оммавийлаштиришга алоҳида урғу берилган, шу орқали республикада соғлом турмуш тарзини жорий этишга эришилаётган диёримизда мусобақалар ҳар куни ўтказилади. Ҳатто ҳеч бир давлатда учрамайдиган уч тизимли спорт мусобақалари Ўзбекистонимизда кўплаб истеъодларнинг кашф этилишида ўзига хос синов майдони вазифасини ўтамоқда. Жорий йилда футбол бўйича ўсмирлар ўртасидаги Осиё чемпионатининг қаторасига иккинчи бор Тошкентда ўтказилишини юртимизда спортга берилган юксак эътиборнинг халқаро миқёсдаги эътирофи, дея қабул қилсак, тўғри бўлади.

(Давоми 15, 16-бетларда.)



Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг навбатдаги ҳайъат мажлиси бўлиб ўтди. Халқ таълими вазири А.Марахматов раислик қилган йиғилишда Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазири, Тошкент шаҳар ва барча вилоят халқ таълими бошқарма бошлиқлари, Давлат педагогика институтлари, вилоят малака ошириш ва қайта тайёрлаш институтлари ректорлари, республика ташкилотлари раҳбарлари иштирок этди.

Мажлисида асосий масала сифатида Халқ таълими тизимида 2010 йилнинг 9 ойи давомида амалга оширилган ишлар якунлари, бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш, инвестицион лойиҳалар ҳамда таълим муассасаларининг куз-қиш мавсумига тайёргарлик ҳолати кўриб чиқилди.

Йиғилишда таъкидланганидек, 2010 йилнинг 9 ойи давомида тизимдаги таълим муассасалари томонидан хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасидан жами **7,97 млрд.** сўм бюджетдан ташқари маблағ, жумладан таълим хизматларидан **540 млн.** сўм ишлаб топилган. **2458 та** ёрдамчи хўжаликлар ташкил этилиб, **4251 та** янги иш ўринлари яратилган. Тизимда мавжуд жами **17 249 та** таълим муассасалари фаолияти учун жорий йилнинг 9 ойи давомида 2 трлн. 487,8 млрд. сўм ажратилиши кўзда тутилган бўлиб, ушбу маблағ тўлиқ молиялаштирилган.

Соҳада эришилган ютуқлар билан бир қаторда муаммо ва камчиликлар

САРҲИСОБ ХУЛОСАГА УНДАЙДИ

ҳақида ҳам танқидий фикрлар, билдирилди. Бугунги кунда барча умумтаълим ва мактабгача таълим муассасалари мустақил юридик шахс мақомида фаолият юритмоқда ва молиявий-иқтисодий масалаларни ҳал этишда уларнинг мустақиллиги кенгайтирилган. Лекин, яратилган кенг имкониятларга қарамадан, аксарият таълим муассасалари раҳбарларининг ва ҳисобчиларининг ўз лавозим вазифаларига масъулиятсизлиги ҳамда молиявий ва ҳуқуқий саводхонлиги етарли эмаслиги оқибатида жойларда бюджет маблағларидан самарасиз фойдаланиш ёки уларни мақсадсиз сарфлаш, бюджетдан ташқари ишлаб топилган маблағларни ва тушумларни ўрнатилган тартибда қилмаслик ҳолатлари учраб турибди.

Мазкур масала бўйича қатор вилоят халқ таълими бошқармалари бошлиқларини ҳисоботлари эшитилди ва бу каби камчиликларни бартараф этиш юзасидан тегишли кўрсатмалар берилди.

Ҳисобот даврида таълим мазмунини такомиллаштириш борасида ҳам қатор ишлар амалга оширилгани айтиб ўтилди. Жумладан, таълим тизимида узлуксизлик ва узвийликни таъминлаш мақсадида тузилган **29 та** ишчи гуруҳи томонидан ДТС, уларга берилган шарҳ-

лар, ўқув дастурлари ва дарсликлар тўлиқ таҳлил қилиниб, жами **813** соат ҳажмдаги мавзулар оптималлаштирилган, шундан, **247** соат ўрта махсус, касб-хунар таълимига, **327** соат эса синфдан-синфга ўтказилган ва **239** соатлик мавзулар такрорланганлиги учун қисқартирилган. 18 та умумтаълим фанлари бўйи-

Hay'at yig'ilishida

ча ўқув дастурлари ва методик тавсиялар қайта ишлаб чиқилиб Илмий-методик ва Мувофиқлаштирувчи Кенгашилар томонидан тасдиқланган ва амалиётга жорий этилган.

Бундан ташқари, вазирлик томонидан умумтаълим мактабларида ўқитиладиган барча 24 та ўқув фанларидан узвийлаштирилган Давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурлари 8 та китобдан иборат тўплам шаклида (ҳар бири **10000 нусхадан**) ҳамда 24 номда методик тавсия ва тақвим-режалар (ҳар бири **10000 нусхадан**) чоп этилиб, бугунги кунда таълим муассасаларига бепул тарқатилмоқда. Ушбу мақсадлар учун сарфланган жами 187 млн. сўмдан ортиқ маблағлар ҳомийлар ҳисобидан қопланган.

Ривожланган давлатлар ва тизимдаги тажрибалар ўрганилган ҳолда, ўқувчилар

билимини баҳолаш ҳамда уларнинг рейтингини белгилашнинг янги механизми ишлаб чиқилди ва ўрнатилган тартибда тасдиқланиб, амалиётга жорий этилди. Мактаб ўқитувчиларининг иш юкларининг (**1548 соат**) тарификациялаш, ишлаган вақти асосида иш ҳақини ҳисоблаш тартиби янги таҳрирда тасдиқланиб, ижроси таъминланмоқда. Ушбу янги тартиб асосида ўқитувчиларга кўпроқ ўз устида ишлашлари ва асосий эътиборни таълим-тарбия сифати ва самарадорлигини оширишга қаратишлари учун кенг имкониятлар яратилган. Ўқитувчилар ўртасида ўзаро тажриба алмашиш ва малака оширишга йўналтирилган янги — **“Устоз-шоғирд”** тизими жорий этилган. Ҳисобот даврида 30 дан ортиқ масофавий таълим курслари, 254 та дарсликларнинг электрон нусхалари, 40 дан ортиқ виртуал лабораториялар ва 42 та электрон ўқув таълим ресурслари яратилган.

Амалга оширилган мазкур ишлар 2010-2011 ўқув йилининг I чораги якуни бўйича ҳам танқидий таҳлил этилиб, кузги таътил ҳамда II чорақда амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар белгилаб олинди. Жумладан, ҳар бир вилоятда юқорида таъкидланган таълим мазмунини такомиллаштириш йўналишидаги янги-

ликларни тарғиб этишга қаратилган ўқув семинарларини ташкил этиш, ўқувчилар билимининг ДТСга мослигини мунтазам аниқлаб бориш мақсадида ёзма иш ва диктантлар ўтказиш, таълим муассасалари қиёфасини янгилаш, уларни том маънода маънавият ва маърифат масканларига айланатиришларда ободонлаштириш ишларини изчил йўлга қўйиш, боғу роғлар ташкил этиш каби вазифалар зарурати алоҳида таъкидлаб ўтилди. Бюджетдан ташқари маблағ топиш йўналишидаги ишлар таҳлил этилиб, бу борада Фарғона вилоятида олиб борилаётган фаолият намуна сифатида таъкидланди.

Йиғилишда, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг қонун бузилиши, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратиб бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисидаги тақдимномасида келтирилган камчиликлар тўғрисидаги, Халқ таълими тизимидаги мавжуд спорт объектларидан самарали фойдаланиш, унда банд бўлган жисмоний тарбия ўқитувчи ва спорт мурабийлари меҳнатини рағбатлантириш ҳолати тўғрисидаги, “Баркамол авлод йили” Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижроси тўғрисидаги масалалар ҳам атрофлича муҳокама этилиб тегишли қарорлар қабул қилинди.

Халқ таълими вазирлиги
Ахборот хизмати

ГЛОБАЛ МУАММОЛАР — ЁШЛАР НИГОҲИДА

Самарқанд шаҳридаги Ёшлар марказида «Камолот» ЁИХ Марказий кенгаши томонидан давра суҳбати ташкил этилди.

Талаба-ёшлар «Камолот» ЁИХ фаоллари иштирок этган мазкур тадбирда сўзга чиққанлар мамлакатимизда ёшлар учун яратилаётган имкониятлар, оналар ва болалар соғлигини яхшилаш, турли хил хасталикларга қарши курашиш, экологик муаммоларни бартараф этиш бўйича амалга оширилаётган ислохотлар ҳамда соҳалар бўйича олиб борилаётган халқаро ҳамкорлик алоқалари ҳақида гапирдилар.

— Муҳтарам Юртбошимизнинг жорий йил 20 сентябрь куни Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Мингйиллик ривожланиш мақсадлари Саммитидаги нутқи давлатимизнинг сиёсий ва ижтимоий ҳаётида муҳим аҳамиятга молик ҳодиса бўлди, — дейди «Камолот» ЁИХ шаҳар бўлими кенгаши раиси Рустам Қобилов. — Унда жамиятни барқарор ривожлантириш, ҳозирги ва келажак авлоднинг юксак турмуш даражаси ҳамда сифатини таъминлаш масалалари катта интеллектуал салоҳият билан нафақат мамлакатимиз, балки Марказий Осиё минтақасида,

умуман бутун дунёда кечаётган бугунги мураккаб жараёнларни ҳар томонлама таҳлил қилиш асосида илгари сурилди. Президентимиз дунёнинг турли минтақаларида давом этаётган уруш ва можаролар, ҳамон сақланиб қолаётган давлатлараро, миллатлараро ва динлараро зиддиятлар, қашшоқлик, очлик, оналар ва болалар ўлими, тез тарқалувчи касалликларнинг энг долзарб халқаро муаммоларни ҳал этишда тўсиқ бўлаётганини, буни Афғонистон мисолида кўриш мумкинлигини алоҳида таъкидлагандилар. Давра суҳбатида ҳам ёшлар мана шулар ҳақида ўзларининг мустақил фикрларини баён этишди.

Слайд орқали дунё ҳамжамиятини ташвишга солаётган муаммолар — экологик хавф, саломатлик, болалар ўлими, нотинчлик каби глобал муаммолар, уларнинг олдини олиш борасида мамлакатимизда амалга оширилаётган эътирофга лойиқ ишлар намойиш қилинди.

Тадбирда фаол иштирок этган ёшларга ташкилотчилар томонидан эсдалик совғалари тарқатилди.

Ҳаким Жўраев,
«Ma'rifat» мухбири

Баркамол авлодни тарбиялаш, маънавиятини бойитиш, миллий **Ko'rik-tanlov** гоя тарғиботи ҳақида гап кетар экан, бу мураккаб, шу билан бирга шарафли вазифанинг нечоғлик масъулиятли эканлигини барчамиз бирдек ҳис қиламиз. Бу вазифанинг аҳамияти миллат ва халқ тақдирига дахлдорлиги, юрт келажагини белгилаши, тараққиётнинг асоси эканлиги билан белгиланади. Шу боис бу борада ҳақиқий маънода фидойилик

Яқинда пойтахтимиздаги «Ёшлик» талабалар шаҳарчасининг Маънавият ва маърифат марказида кўрик-танловнинг учинчи босқичи ўтказилиб, унда иккинчи босқичда ғолиб бўлган ўн нафар вилоят ва уч нафар Тошкент шаҳридаги олий таълим муассасалари вакиллари ўзаро беллашдилар.

Маълумот ўрнида айтиб ўтиш мумкинки, кўрик-танловнинг мамлакатимиздаги мавжуд олий таълим муассасалари ва уларнинг филиаллари-

МАЪНАВИЯТ ТАРҒИБОТИ МУҲИМ МАСАЛА

кўрсатаётган халқнинг маърифатли, илғор вакиллари аниқлаш, уларнинг меҳнатларини эътироф этиш ва оммалаштириш, ёшларга ибрат сифатида кўрсатиш бугунги куннинг долзарб масаласидир. «Йилнинг энг фаол маънавият тарғиботчиси» республика кўрик-танловининг ташкил этиши ва ўтказилишида худди шу мақсад мужассам.

2010 йилнинг 17 сентябрида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг «Йилнинг энг фаол маънавият тарғиботчиси» республика кўрик-танловини ўтказиш тўғрисида»ги буйруғи билан Низом тасдиқлангандан сўнг танлов республика олий таълим муассасалараро уч босқичда ўтказилиши белгиланди.

да ташкил этилган биринчи босқичда 500 нафарга яқин, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги олий таълим муассасалари ўртасида ўтказилган иккинчи босқичда 67 нафар профессор-ўқитувчи ҳамда маънавий-маърифий соҳада фидокорона фаолият юритаётган ходимлар иштирок этди.

Танлов натижаларига кўра, Наманган давлат университетидан Бахтиёр Исоқов биринчи, Қорақалпоқ давлат университети вакиласи Алмагул Байриева иккинчи, Андижон давлат университетидан Манзурахон Юнусова учинчи ўринни қўлга киритди.

Дилшод Қаримов,
«Ma'rifat» мухбири

— Бугунги йиғилишимиз кун тартибидаги биринчи масала юзасидан асосий эътиборни ўтган ўқув йили якунлари ҳамда бошланаётган янги ўқув йилига тайёргарлик масалаларига қаратамиз, — гап бошлади Педагогика кенгаши раиси, Сергели туманидаги 285-мактаб директори Манзура Мамарасулова. — Энг аввало, мамнуният билан айтишим керак, ўтган ўқув йилида икки нафар ўқитувчимизнинг иш тажрибаси республика миқёсида оммалаштирилди...

Мақтаб педагогика кенгаши йиғилиши ўз ишини шу тахлит бошлади. Унда бирорта ҳам масала кенгаш аъзолари эътиборидан четда қолмади. Зеро, таълим-тарбияда иккинчи даражали ишнинг ўзи йўқ. Бунда ҳар бир жараён ўқувчиларни билимдон, маънавий баркамол қилиб тарбиялаш мақсади билан чамбарчас боғлиқ.

Дарҳақиқат, мактаблар фаолиятида Педагогика кенгашининг ўрни ва аҳамияти беқиёс. Унинг барча аъзолари кенгаш ишини самарали йўлга қўйишда бирдек масъул. Жумладан, мактаб раҳбари кенгаш раиси сифатида ўқув йили ва ҳар чоракда бажарилиши лозим бўлган вазифаларни тасдиқлайди, мақбул қарорларнинг қабул қилинишини таъминлаб, амалга оширилишини назорат қилади. Шунингдек, кенгаш йиғилишларида мактаб фахри ҳисобланган тажрибали ўқитувчилар меҳнатини муносиб тақдирлаш, ёш педагогларни қўллаб-қувватлаш, уларга ғамхўрлик кўрсатиш, шу билан биргаликда, ходимларини таълим тизимига жорий этилган янгиликлардан бохабар қилиб боришга катта эътибор қаратади. Бунда таълим муассасасидаги ҳар бир ходимнинг мактаб ҳаётига дахлдор барча масалаларга ўз ёндашуви, нуқтаи назари ўрганилиб, вазиятга реал баҳо бериш имкони юзага келади. Бу эса ютуқларнинг ортисига, мавжуд камчиликларнинг бартараф этилишига замин яратади.

— Кенгаш йиғилишлари қанчалик баҳс-мунозара, таклиф ва ташаббусларга бой бўлса, унда қабул қилинувчи қарорлар шунчалик ҳаётий, мактаб имкониятларига мос ҳамда барча учун мақбул кўринишга эга бўлади, — дейди Юнусобод туманидаги 272-мактабнинг ўқув-тарбия ишлари бўйича директор ўринбосари Гавҳар Маҳмудова. — Жумладан, муайян фанни ўқитиш, иқтидорли ва бўш ўзлаштирувчи ўқувчилар билан ишлаш юзасидан қарор қабул қилишда директор ва унинг ўринбосарлари эмас, балки ўқув-тарбия жараёнининг бевосита иштирокчилари саналган педагоглар ҳам ўз мулоҳазаларини билдириш имконига эга бўлади. Ўқитувчининг кенгаш йиғилишларидаги фаол иштироки, таклиф ва ташаббуслари унинг педагогик фаолиятида ҳам муносиб ўринга эга. Бу эса, табиийки, ўқитувчи-мутахассис масъуллигини оширади, жамоа эътиборини қозонишига ижобий таъсир кўрсатиб, ўзига бўлган ишончини мустаҳкамлайди ва ташаббускорлик хислатини рағбатлантиради.

Педагогика кенгаши олдига қўйилган талаблар муҳим аҳамиятга эга экан, та-

бийий савол туғилади: бугун мактаб бошқарувида бош бўгин ҳисобланган ушбу тузилма фаолияти қониқарли даражадами? Унда қандай долзарб масалалар кўтарилмоқда ва мавжуд муаммоларнинг ечими қандай ҳал қилинмоқда?

гогика кенгаши йиғилиши ўтказилгандан сўнг орадан икки ой ўтди. Халқ таълими вазирлиги томонидан оптималлаштирилиб, узвийлиги ва узлуксизлиги таъминланган Давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурлари асосида ишлаб чиқилган ўқитувчиларнинг йиллик иш ва ўқув режалари янги ўқув йили бошланишига қадар фан методика бирлашмаларида муҳокама қилингандан сўнг мактаб директори томонидан тасдиқланди. Кенгаш қарорига асосан, давлат компонентидаги айрим фанларга ажратилган соатлар ўқув дастурини бажариш шарти билан қисқартирилиб, физика ва тарих фанлари чуқурлаштириб ўтиладиган синфлар ихтиёрига берилди. Айтиш керак, 5-А синф ўқувчилари физика, 6-А ва 7-Б синф ўқувчилари тарих фанидан чуқур-

катий назорат остига олиниши ҳам муҳим. Зеро, мактаб жамоаси қўлга киритаётган ютуқлар кенгашнинг ҳар бир аъзоси, ҳар бир ходимнинг ҳам муваффақияти саналади. Ушбу ютуқларда тартиб-интизом, ўқув-тарбия ишларининг самарали йўлга қўйилгани, мактаб раҳбарияти томонидан барча шарт-шароитларнинг яратилгани, ва албатта, педагогика кенгашининг аниқ йўналтирилган қарорлари муҳим аҳамият касб этади.

Педагогика кенгаши фаолиятидаги яна бир эътиборли жиҳат — малакали ўқитувчилар иш тажрибасини ўрганиш, оммалаштириш, мактабда янги иш бошлаган ёш педагогларга методик ёрдам уюштириш, шунингдек, ўқитишнинг замонавий усуллари, ахборот-коммуникацион технологияларни таълим жараёнига

Dolzarb mavzu

вазифалар топширилди, бу борадаги таклиф-мулоҳазаларга эътибор қаратилди. Масалан, мактабнинг тажрибали ўқитувчиси, филология фанлари методбирлашмаси раҳбари Комила Тўраевага ёш мутахассис Гулноза Шодмонова бириктирилиб, у билан она тили ва адабиёт фанларини ўқитишга доир тажрибаларини ўртоқлашиш, янги инновацион технологиялардан хабардор қилиш, дарсларини таҳлил қилиб, аниқланган камчиликларни бартараф этиб бориш вазифаси топширилди. Навбатдаги ишлаб чиқариш, фан методбирлашмалари ҳамда директор ҳузурдаги ва педагогика кенгаши йиғилишларида вазифалар ижроси кенг таҳлил қилинади, вазифалар белгиланиб, муаммолар аниқланган тақдирда уларнинг ечими юзасидан қўшимча қарорлар қабул қилиниши кўзда тутилган.

Педагогик жамоанинг маълум йўналишдаги фаолиятини таҳлил қилиш ва якуний хулосани чиқариш, ўқитувчилар малакасини ошириш, улар меҳнатини рағбатлантириш, ўқув режасидаги мактаб ихтиёрига берилган соатларни тақсимлаб, иш юктамалар меъё-

МАКТАБ ПЕДАГОГИКА КЕНГАШИ

у таълим жараёнини ташкил этишда асосий куч

Юнусобод туманидаги 272-мактаб педагогика кенгашининг янги ўқув йили арафасида бўлиб ўтган йиғилиши мисолида ушбу масалани таҳлил қилганимизда, қуйидаги бир неча жиҳат маълум бўлди. Дастлаб, ўтган ўқув йили якунлари таҳлил қилиниб, фикр-мулоҳазалар тингланди. Шундан сўнг янги ўқув йили вазифалари, мактабнинг йиллик иш ва ўқув режалари тасдиқланди. Кейинги масала соҳага янги жорий этилган оптималлаштирилган ДТС ва ўқув дастурлари, педагогик инновацион технологияларни амалиётга татбиқ этиш, шу асосда ўқитувчиларнинг йиллик, чораклик ўқув режаси тузилишига қаратилди. Шунингдек, ўқитувчилар иш юктамасини белгилаш ва тақсимлаш бўйича йўриқнома билан таништирилиб, уларга йиллик иш юктамалари, шахсий иш режа асосида чораклик, ойлик режалар ишлаб чиқиш вазифаси топширилди. Кун тартибидаги тўртинчи масала юзасидан мактаб директори сўзга чиқиб, педагоглар жамоасини Директор жамғармасидан устама белгилаш тўғрисидаги махсус комиссия қарори билан таништирди. Унга кўра, энг тажрибали 18 нафар ўқитувчига ўтган ўқув йили давомида ўқувчилар билим самарадорлиги, мактабдан ва синфдан ташқари ишлари учун директор жамғармасидан ойлик маошига қўшимча 40 фоизгача устама белгиланди...

Қабул қилинган қарорлар ижроси таъминлангандагина кўзланган мақсадга эришиш мумкин. Мактаб педа-



лаштирилган дастур асосида таълим олмақда.

— Педагогика кенгашининг нечоғли самарали фаолият кўрсатиши мактаб муваффақиятини таъминлайди, — дейди Республика таълим маркази бош мутахассиси Илгизар Маннопова. — Ҳар бир кенгаш йиғилиши зерикарли мажлис эмас, балки мактаб ҳаётидаги муҳим воқеалик бўлиши, турли ноанъанавий усулларда ташкил этилиши мақсадга мувофиқ. Унда таълим муассасаси ютуқ ва камчиликлари таҳлил қилиниб, муҳим масалалар юзасидан кенгаш аъзоларининг умумий хулосаси чиқарилиши лозим. Шунингдек, қарорлар қабул қилишда нафақат уларнинг ҳаётийлиги таъминланиши, балки амалиётга жорий этилишида масъул шахслар белгиланиши, вазифалар ижроси

жорий этиш, мактабнинг турли муассасалар билан ҳамкорлигини йўлга қўйишдаги иштирокида кўзга ташланади.

— Мактабимизда эндигина иш бошлаган ўқитувчиларни қўллаб-қувватлаш, уларга методик ёрдам кўрсатиш ва малакали устоз-ўқитувчиларга бириктиришда педагогика кенгашининг қарори муҳим аҳамиятга эга, — дейди Сергели туманидаги 285-мактаб директорининг ўқув-тарбия ишлари бўйича ўринбосари Махфират Аҳмадзонова. — Жорий ўқув йили бошланиши арафасида ўтказилган кенгаш йиғилишида “Устоз-шогирд мактаби” фаолиятини янада жонлантириш, бу йил иш бошлаган икки нафар ёш ўқитувчига тажрибали педагогларни бириктириш, уларга услубий кўмак кўрсатишга доир аниқ

рени тасдиқлаш ҳам кенгаш зиммасига юклатилган. Айтиш керак, ўқитувчилар меҳнатини рағбатлантириш мақсадида Директор жамғармаси ҳисобидан тўланадиган устама ҳақларни тақсимлаш тўғрисидаги махсус комиссия қарорини тасдиқлаш, ушбу жараёнга кенгаш аъзоларининг холис ёндашуви муҳим аҳамиятга эга.

Мақтаб педагогика кенгаши улкан имкониятларга эга бошқарув органи саналади. У юрт келажаги, авлодлар камолига ўзини дахлдор деб билган ўқитувчи-мураббийлар учун фикр-мулоҳазалар минбари, таклиф ва ташаббуслар майдони. Бу майдонда қабул қилинган ҳар битта қарор, белгиланган ҳар бир вазифа фарзандлар иқболида ўз инъикосини топаверади.

Санжар РУСТАМОВ,
“Ma'rifat” мухбири

✓ ПОЙТАХТИМИЗДА “ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИ ТИЗИМИДА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИНГ ЎРНИ ВА РОЛИНИ МУСТАХКАМЛАШ МАСАЛАЛАРИ” МАВЗУИДАГИ ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ БЎЛИБ ЎТДИ.

У Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти, Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ҳамда Конрад Аденауэр номидаги жамғарма томонидан ташкил этилди.

Конференция давомида соҳага оид билдирилган фикрлар, тингланган маърузалар иштирокчиларни Ўзбекистонда оммавий ахборот воситалари жадал ривожланаётгани, кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёни доирасида ушбу соҳа янада эркинлаштирилаётгани ва бу дунёнинг қўллаб-даватлари учун намуна бўлиб хизмат қилиши мумкин, деган хулосага ундади.

✓ ПОЙТАХТИМИЗДА РОССИЯ, ҚОЗОҒИСТОН, ОЗАРБОЙЖОН, БЕЛАРУСЬ, КИРГИЗИСТОН, ТОЖИКИСТОН, АРМАНИСТОНДАН КЕЛГАН МУТАХАССИСЛАР ХАМДА ЮРТИМИЗ ОЛИМЛАРИ ИШТИРОКИДА ФАН, ТЕХНОЛОГИЯ ВА ИННОВАЦИЯ СОҲАСИДАГИ СТАТИСТИКА ВА КЎРСАТКИЧЛАР БЎЙИЧА МАРКАЗИЙ ОСИЁ МИНТАКАВИЙ АНЖУМАНИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Ўзбекистон Фанлар академияси, БМТнинг таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти — ЮНЕСКО, Ислон конференцияси ташкилотининг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича тузилмаси — АЙСЕКО ҳамкорлигида ташкил этилган анжуманда илм-фан фаолиятини такомиллаштириш ва инновацион технологияларни ишлаб чиқаришга кенг татбиқ этиш борасида амалга оширилаётган ишлар мамлакатни модернизация қилиш жараёнида муҳим омил бўлаётганини таъкидлади.

✓ БУГУНГИ КУНДА ИНТЕРНЕТДАН КЕНГ ПОЛОСАЛИ ФОЙДАЛАНИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ЗАМОНАВИЙ ИҚТИСОДИЁТ ИНФРАТУЗИЛМАСИНИНГ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШИДА, СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИ, ТАЪЛИМ СОҲАЛАРИ ВА ҲАЁТИМИЗНИНГ БОШҚА ТУРЛИ ЖАБҲАЛАРИДА МУҲИМ ЎРИН ЭҒАЛЛАМОҚДА.

“Пойтахт” бизнес-марказида интернетдан кенг поласали фойдаланиш технологияларини жорий этишга бағишланган икки босқичдан иборат халқаро анжуман ташкил этилди.

Ушбу тадбир Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, “Unicon.uz” илмий-техник ва маркетинг тадқиқотлари маркази давлат унитар корхонаси ва Ўзбекистон радиотехника, электроника ва алоқа илмий-техник жамияти ҳамкорлигидаги ушбу тадбирда юртимиз ҳамда бошқа МДХ давлатларининг ахборот-коммуникация технологиялари соҳаси мутахассислари, жумладан, йирик телекоммуникация усуналари етказиб берувчилар ва телекоммуникациялар операторлари иштирок этмоқда.

✓ ЮНУСОБОД МАШИНАСОЗЛИК КАСБХУНАР КОЛЛЕЖИДА «ОММАВИЙ МАДАНИЯТ ТАҲДИДИ, КИЙИНИШ МАДАНИЯТИ, ШАРҚОНА ОДОБ-АХЛОҚ ВА МИЛЛИЙ КАДРИЯТЛАР» МАВЗУСИДА МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ДАВРА СУҲБАТИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.

Унда коллеж директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Фазилат Султонова оммавий маданият ва унинг ёшлар онгига таҳдид солувчи омилга айланиб бораётганини таъкидлаб ўтди. Шундан сўнг Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети доценти, психология фанлари номзоди Ганжи Бердиев, туман хотин-қизлар кўмитаси вакили Назифахон Шайхова ҳам ўқувчи-ёшлар ўртасидаги ўзаро муносабатларда, уларнинг юриш-туришида кўзга кўришиб қолаётган баъзи ахлоқсизлик ҳолатларига бефарқ қараб бўлмаслигини айтиб ўтишди.

Тадбирда ўқувчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

Анвар ҚОБИЛОВ

✓ ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА “ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ, ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛАРИ ХАМДА ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ДАВЛАТ КЎМИТАСИ РАИСИНИНГ РЕСПУБЛИКАДА УЗЛУКСИЗ ЭКОЛОГИК ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ТЎҒРИСИДАГИ АХБОРОТИ БЎЙИЧА ПАРЛАМЕНТ ЭШИТУВИ” ЎТКАЗИЛДИ.

Ўзбекистон Экологик ҳаракати депутатлар гуруҳи ва Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари кўмитаси томонидан ташкил этилган йиғилишда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси вакиллари иштирок этди.

Йиғилишда мазкур учта ташкилотнинг қўшма қарори асосида 2005 йилнинг ноябрь ойида имзоланган “Республикада экологик таълимни ривожлантириш ва эколог кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ҳамда малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш истиқболлари” Дастури ва Концепциясининг ижроси муҳокама қилинди.

Йиғилишда экология таълими умумтаълим мактабларининг 1-2-синфларида “Атрофимиздаги олам”, 3-4-синфларда “Табиатшунослик”, 5-9-синфларда табиий фанлар ўқув дастурлари таркибига интеграциялашган ҳолда киритилгани таъкидланди.

Азима ҚИЁСОВА,
“Туркистон-пресс”



✓ СОБИР РАҲИМОВ ТУМАНИДАГИ 1-МАКТАБДА «ФИЛОЛОГИЯ ЙўНАЛИШИДАГИ ФАНЛАР ОЙЛИГИ» ЯКУНЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН ТАДБИР БЎЛИБ ЎТДИ.

Унда тумандаги она тили ва адабиёти фани ўқитувчилари, шаҳар халқ таълими бош бошқармаси методика маркази методистлари ҳамда ўқувчилар иштирок этишди.

Тадбирда ойлик давомида фаоллик кўрсатган мактаб педагогик жамоаси, ўқитувчи ва ўқувчиларига туман халқ таълими бўлими томонидан фахрий ёрлиқлар ва эсдалик совғалари топширилди.

Анжуман якунида Муқимий номидаги мусикали драма театри актёрлари тамонидан тайёрланган сахна кўриниши йиғилганларни хушнуд қилди.



Бурхон РИЗОКУЛОВ олган сурат.

✓ БАЪЗАН КИТОБХОНДА АСАР ЎҚИШ ЖАРАЁНИДА ТУРЛИ САВОЛЛАР ПАЙДО БЎЛАДИ. МУАЛЛИФ БИЛАН БЕВОСИТА МУЛОҚОТ ЭСА АНА ШУ ТАЪСИРНИ ИККИ-УЧ ҲИССА ОШИРАДИ. ШУ МАҚСАДДА ҲАР ЙИЛИ МАКТАБИМИЗДА ИЖОДҚОРЛАР БИЛАН УЧРАШУВЛАР ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ.

Баркамол авлод йилида ёшлар тарбиясида китобхонлик мавқеини ошириш ниятида она тили ва адабиёт фани услубий бирлашмаси раҳбари, олий тоифали ўқитувчи Муяссар Рашидова бошчилигида болаларнинг сеvimли адиби, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Худойберди Тўхтабоев иштирокида учрашув ташкил этилди.

Тадбирда ўқувчилар Худойберди Тўхтабоев асарларидаги ўзларига тенгдош қаҳрамонлар кийёфасида чиқиб, сахна кўринишларини намойиш этдилар. Ижодкор ҳам болалар билан мулоқотда бўлиб, адабиёт оламига кириб келиши, асарларнинг яратилишига туртки бўлган воқеаларни айтиб берди.

Зукко, китобсевар ўқувчиларнинг берган саволларидан, китоб ўқишга бўлган қизиқишларидан адиб ҳам хурсанд бўлганини таъкидлади. Учрашув иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

Гулбахор АЗИМОВА,
Чилонзор туманидаги 201-мактабнинг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси

✓ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ ҚОШИДАГИ АКАДЕМИК ЛИЦЕЙДА «ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ОШИРИШ МУАММОЛАРИ» МАВЗУИДАГИ ЎҚУВ-АМАЛИЙ СЕМИНАР БЎЛИБ ЎТДИ. УНДА ЮЗДАН ОРТИҚ ЎҚИТУВЧИ ХАМДА ЎҚУВЧИЛАР ИШТИРОК ЭТИБ, ТАЪЛИМ СОҲАСИ БИЛАН БОҒЛИҚ МУАММОЛАР ҚИЗГИН МУҲОКАМА ЭТИЛДИ.

Лицейда таълим жараёнининг ташкил этилиши, ўқитувчию ўқувчиларнинг эришаётган ютуқлари хусусида директорнинг ўқув ишлари бўйича ўринбосари Ж. Ўсаров ахборот берди.

— Таълим соҳасидаги муаммоларни ҳал қилишда ўқитувчи маҳорати ва билими беқийс ўринга эга. Замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиб, ўқувчиларда фанларга нисбатан қизиқиш уйғотишга ҳаракат қилаёلمиз, — дейди лицейнинг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси М. Холмуродова.

«Фанларнинг интеграциялашуви», «Тарих фанини ўқитишда дидактик материаллардан фойдаланиш», «Дарс жараёнида ўқувчилар рейтингини аниқлаш усуллари» сингари маърузалар семинарнинг қизиқарли ўтишини таъминлади.

Камола ИСМОИЛОВА,
ЎзДЖТУ талабаси

✓ НАВОИЙДА МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ХАМДА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ БОШҚАРМАЛАРИ ХАМКОРЛИГИДА «БИЗ ГИЁҲВАНДЛИККА ҚАРШИМИЗ» ШИОРИ ОСТИДА ЁШЛАР ФЕСТИВАЛИ УЮШТИРИЛДИ.

Тадбирда гиёҳвандлик ва ОИТСга қарши курашиш орқали келажак авлоднинг баркамол ва соғлом бўлиб етишишига эришиш мумкинлиги алоҳида таъкидланди.

Фестиваль катта концерт дастури билан давом этди. Айниқса, «Наво» гуруҳининг хонанда ва раққосалари ҳамда Бухоро вилоятидан ташриф буюрган дорбозларнинг чиқишлари ёшлар томонидан илиқ кутиб олинди.

Мухтасархон КАРИМОВА

✓ АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ КУТУБХОНАСИДА РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ ТАРҒИБОТ МАРКАЗИ, МИЛЛИЙ ҒОЯ ВА МАФКУРА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ МАРКАЗИ ВА «МАЪНАВИЯТ» НАШРИЁТИ ХАМКОРЛИГИДА ЧОП ЭТИЛГАН «БАРКАМОЛ АВЛОД —КЕЛАЖАГИМИЗ ТАЯНЧИ», ОЗОД ШАРАФИДДИНОВНИНГ «ЖАҲОН АДИБЛАРИ АДАБИЁТ ҲАҚИДА», «ЎЗБЕК ШЕЪРИЯТИ АНТОЛОГИЯСИ» ХАМДА ПИРИМҚУЛ ҚОДИРОВНИНГ «ТИЛ ВА ЭЛ» КИТОБЛАРИНИНГ ТАҚДИМОТИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Унда бир гуруҳ адабиётшунос олимлар ва тадқиқотчилар, олий ўқув юртлари талаба-ёшлари ва ОАВ ходимлари иштирок этди. Маърузачилар тақдим этилаётган китобларнинг маъмуно-моҳияти хусусида ўз мулоҳазаларини билдириб ўтдилар. Хусусан, «Баркамол авлод — келажагимиз таянчи» китоби Юртбошимизнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарида билдирилган фикр ва мулоҳазалар асосида яратилган бўлиб, маросим иштирокчилари тақлифига биноан китоблар кенг жамоатчилик ва барча турдаги ўқув юртлари ёшлари учун қўлланма сифатида тавсия этилган.

Бугунда ёшларнинг китобга бўлган қизиқишини ошириш ва уларни маънавий бой бўлишида мутолаанинг ўрни беқийсдир. Шу борада бу каби китобларнинг яратилиши у ёшлар учун яратилаётган улкан имкониятлардан далолат.

Феруза ХОЛМУРОДОВА,
«Ma'rifat» мухбири

Замонавий ўқитувчи ўз билим ва маҳоратини тадрижий равишда янгиликлар билан бойитиб бориши даркор. Шундагина уни давр талабларига мос, ўқувчиларга сифатли билим беришга қодир мутахассис, дейиш мумкин. Бугунги кунда айтиш мумкин. Бугунги кунда айтиш мумкин. Бугунги кунда айтиш мумкин.

Diqqat, yangi rukn: Ziyonet yangiliklari



Ахборот-таълим порталидан ҳар куни ўнлаб янгиликларни кутишингиз мумкин. Барча янги жойлаштирилган хабар ва маълумотлар сизга қайсидир ўринда услубий-методик кўмак бериши, таълим ва бошқа соҳаларнинг энг муҳим жараёнларидан бохабар қилиши мумкин. Шундай экан, шахсий ва педагогик фаолиятингизда интернетдаги "Ziyonet" манзилгоҳига тез-тез ташриф буюриб туринг.

Санжар РУСТАМОВ, "Ma'rifat" мухбири

Ўқув дастурлари ва дарсликлар — интернетда

Ҳуқуқий маслаҳатхона

"Ziyonet" ахборот-таълим порталига жорий ўқув йили аввалида умумтаълим мактаблари дарсликларининг электрон нусхаси жойлаштирилди. Энди сиз учун узвийлиги ва узлуксизлиги таъминланган Давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурларига мос дарсликларнинг электрон кўринишини архивланган, ихчам "DJVu" форматида олиш ва фойдаланиш имкони яратилди.

ми "Дарслик" бўлинмасида фанлар кесимида 7 тилда 474 номдаги дарсликлар мавжуд. Сиз бунда тил, синф, фан йўналишида истиқомат қилган дарсликнинг электрон нусхасини ўз компьютерингизга жойлаштириб олишингиз мумкин. Айниқса, 2010 йилда нашр қилинган умумтаълим мактабларининг 1, 2, 3, 8 ва 9-синфлари учун мўлжалланган дарсликлардан ўқувчилар ҳам, педагоглар ҳам фойдалана оладилар.

лаб амалиётга татбиқ этилган оптималлаштирилган ўқув дастурларининг электрон нусхалари ҳамда улардан самарали фойдаланиш учун республика таълим маркази томонидан тақдим этилган методик тавсиялар ҳам ўрин олган. Фанлар ва синфлар кесимида жойлаштирилган ўқув дастурлари ҳамда методик тавсиялар педагоглар учун дарс жараёнида, унга тайёргарлик кўриш, шунингдек, йиллик, чораклик, ойлик ва кунлик ўқув режаларини ишлаб чиқишда қўл келиши шубҳасиз.

"Ziyonet" ахборот-таълим порталидан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, уларни мамлакатимиздаги таълим ва ижтимоий таъминотга оид қабул қилинган сўнги қонун, қарор, фармон ва буйруқлар билан таништириб бориш мақсадида тармоқда ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар захираси шакллантирилди. Айни дамда порталнинг "Кутубхона" бўлими "Қонунчилик" бўлинмасига 200дан зиёд манба жойлаштирилди.

Муҳаббат Каримова 13 ёшда. Андижон шаҳридаги 5-умумтаълим мактабининг 6-синфида ўқиш билан бирга Болалар шаҳарчасида ташкил этилган рақс тўғарагида фаол иштирок этади. Қобилиятли, ўз устида тинимсиз ишлайдиган Муҳаббат рақс тўғараги иштирокчилари билан «Янги авлод-2009» республика болалар ижодиёти фестивалида совриндор бўлди.

ҲАР БИР КУН МАРОҚЛИ

доқат, халқ қорига яраш, меҳнатсеварлик туйғулари янада мустаҳкамланди. Болалар шаҳарчасида 16та тўғарақ фаолият кўрсатмоқда. Болалар дарсдан бўш пайтларида рақс, расм, тикувчилик, зардўзлик, авиамодел, рубоб, доира, спорт тўғарақларида қатнашиб, дастлабки касб-кор кўникмаларини ҳам эгалламоқда. Тарбияланувчиларнинг аксарияти 2-3тадан тўғарақ

— Болалар шаҳарчасидаги ҳар бир кунимиз мазмунан бой, эсда қоларли ўтади, — дейди Муҳаббат. — Рақс тўғарагидан ташқари, «Қизлар клуби»га ҳам қатнашаман, шунингдек, расм тўғараги машғулотларида иштирок этиб, мўйқалам сирларини ҳам ўрганиб бормоқдаман.

Шаҳарчадаги 2та маъмурий бино, амфитеатр, барча қулайликларга эга бўлган 14 хонадон, ўйин жаммаси, спорт майдончаси ва катта боғ мамлакатимизда ёш авлод камолотига қанчалик катта эътибор берилаётганини кўрсатиб турибди. Шунингдек, таъкидлаш керакки,

сидаги фарзандларнинг мактабдаги таълим-тарбия жараёнини доимий назорат қилиб боради, дарсларини таҳлил қилади, синф раҳбарлари билан мунтазам алоқада бўлади. Она ва синф раҳбари ўртасида боланинг мактабдаги одоб-ахлоқи,

2010-yil — Barkamol avlod yili

Бундай фикрларни Болалар шаҳарчасида тарбияланаётган 86 нафар боланинг барчаси билдириши мумкин. Шаҳарчада тарбияланувчиларнинг ҳар бир дақиқасини мазмунли ўтказиш учун аниқ режа ва чора-тадбирлар белгиланган.

болалар шаҳарчаси раҳбарияти, ҳар бир ходимнинг асосий мақсади болалар қалбида оила муҳитини шакллантиришга қаратилади. Тарбияланувчилар ҳаёти билан танишар эканми, меҳридарё мураббийлар ва тарбиячи оналар улар атрофида парвона.

дарслардаги ва жамоат ишларидаги иштироки ҳақида маълумот олиш учун алоқа дафтарлари юритилади.

Шаҳарча 2008 йили ташкил этилган. Дастлаб муассасанинг 10та хонадонига 61 нафар тарбияланувчи қабул қилинган. Ҳозирги кунда мазкур тарбия масканида хонадонлар сони 12тага етиб, тарбияланувчилар сони 86 нафарни ташкил этаётди.

Шаҳарча болалари Андижон шаҳридаги 5-, 14- ва 33-умумтаълим мактабларида таҳсил олади. Муассасадаги ҳар бир тарбиячи — она ўз тарбия-

муассасада ҳафтанинг ҳар чоршанбаси «маънавият куни» деб белгиланган. Шу куни режа асосида болаларбоп мавзуларда давра суҳбатлари, шоир, ёзувчилар билан учрашувлар, бахш-мунозаралар ўтказилади. Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф таваллудига бағишланган «Меҳр қолур, муҳаббат қолур» деб номланган адабий кеча, «Гиёҳвандлик — аср вабоси», «Касбим — фахрим», «Маънавият — қалб кўёши», «Ватанпарварлик нима?» мавзуларидаги суҳбатлар болаларда катта таассурот қолдирди. Болалар шаҳарчасида ташкил этилган «Зулфияxonим қизлари», «Ёш ватанпарварлар», «Камалак», «Оналар мактаби», «Қизлар» клубларида тарбияланувчилар бўш вақтларини мазмунли ўтказиш билан бирга дунёқарашларини ҳам бойитиб бормоқда.



машғулотларида иштирок этишади. Уларнинг бир қисми Андижон шаҳридаги 2-болалар мусиқа ва санъат мактабида таҳсил олиб, мусиқий билимларини ҳам бойитиб бормоқда.

Шаҳарчанинг 9-хонадонига яшовчи Азизбек Усмонов шу йилнинг апрель ойида ўтказилган «Болалар ҳуқуқи деганда нимани тушунаман?» мавзусидаги иншолар танловида ғолиб чиқиб, «Сен ёлғиз эмассан» Республика жамоатчилик болалар жамғармаси томонидан ташкил этилган форумда иштирок этиб қайтди.

Шаҳарчада «Мактаб — маҳалла — оила ҳамкорлик маркази» ташкил этилган. Марказ тарбияланувчилар ўқийдиган 5-, 14-, 33-умумтаълим мактаблари жамоалари, маҳалла фуқаролар йиғини билан ҳамжиҳатликда фаолият юритишга хизмат қилаётди.

О.СИДДИҚОВ

Андижон вилояти



Dars shiori: "Reading is to the mind what exercise is to body" (R. Steele, British essayist, playwright, editor [1672-1729])

Darsning maqsadi:

Ta'limiy: yangi so'zlarni o'rganib, dars jarayonida mustahkamlash, yod olingan so'zlardan foydalanib so'zlashuv malakasini oshirish.

Tarbiyaviy: o'quvchilarda kitobga mehr uyg'otish, ularni til o'rganishga bo'lgan rag'batini oshirish.

Rivojlantiruvchi: yangi so'zlar va savol-javoblar orqali o'quvchilar og'zaki nutqini o'stirish.

Darsning jihozi: ingliz tilidagi asarlardan namunalar, didaktik tarqatma materiallar, hikmatli so'z, maqollar yozilgan plakatlar.

Darsning borishi: tashkiliy qism, asosiy qism, uyga vazifa.

Dars avvalida quyidagi yangi so'zlar plakatga yozilib, o'quvchilar e'tiboriga havola etiladi: an autobiography, a biography, science fiction, a novel, poetry, a detective story, a fairy tale, adventure, essay, story, legend, epic poem, fable.

Let's repeat after me. Please, try to understand the meaning of these words.

Dear boys and girls! We all know that people of the world are great readers in fact. It goes without saying, books our teachers and friends. They teach us to be kind, clever, polite, hardworking, friendly.

There are a lot of books on history, about animals, travelers, children, school and magic books, science fiction and detective stories. Different people like different kind of books. Some of them enjoy sfories, shorf sfories, others like to read novels or fairy tales. The restprefen fables and poems. Books help us to learn more about nature, the world around us and many other interesting things. So we must keep books clean and tidy. We must not spoil them.

Answer the questions.

Пойтахтимизнинг Ҳамза туманига қарашли Мирзо Улуғбек номидаги маҳалла қошида ташкил этилган Ёшлар ижтимоий хизматлари маркази ҳар куни ўқувчилар билан гавжум.

Айниқса, икки ойлик компьютер курсига қизиқувчилар кўпроқ. Тўғарак раҳбари Гўзалхон Маҳатова компьютер имкониятларидан хабардор ўқувчилар диққат-эътиборини, нигоҳни чарчатадиган турли ўйинларга, онг ва идрокни чаққитадиган фильмларга эмас, балки ҳужжатлар билан ишлаш, жадвал ва слайдлар яратиш, интернетда ўз электрон манзилни очиш каби фойдали машғулотларга қаратиш лозимлигини яхши билади. Уларнинг аксарияти «Excel» дастурига қизиқишади. Ахир, электрон жадваллар билан ишлаш, диаграмма ҳосил қилиб, унинг ичига матн жойлаштириш қайси ўқувчига қизиқарли эмас? Қолаверса, компьютер тўғарагидagi машғулотлар мактабда ўқитиладиган информатика фани билан узвий боғлиқ.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Ҳамза туман бўлими кенгаши ташаббуси билан ташкил қилинган бу марказда тикувчилик, пазандалик, ёш ижодкорлар тўғараги ҳам фаолият кўрсатмоқда. 13-14 ёшгача бўлган мактаб ўқувчиларининг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, уларда муайян касб-ҳунарга бўлган қизиқишни шакллантириш билан икки йилдан бери шуғулланиб келаётган марказ ходимларидан ота-оналар, ўқитувчиларнинг кўнгилли тўқ. Барча тўга-

BOOKS ARE OUR BEST FRIENDS AND TEACHERS

VIII SINIF

1. Do you agree that books are our teachers and friends?
2. Why do you think so?
3. What books do children read?
4. What books do they enjoy?
5. Must we keep or spoil books?
6. Are you fond of reading?
7. What is your favourite book?
8. Who is the author of the book?
9. What is the book about?
10. Who is your favourite character?

Why?

Game-1. "I don't remember"

O'yin quyidagi tartibda o'tkazilishi mumkin. Kitobxon kitob so'raydi, biroq u kitobning na nomini, na muallifini eslay oladi. Kitobxonchi savollarga beradi va nihoyat suhbat so'ngida o'quvchiga qanday kitob kerakligi ma'lum bo'ladi.

Muyassar: Good afternoon!

Librarian: Good afternoon!

M: I would like to have a book, but... I forget its name.

L: Who is the author of the book?

M: I don't know.

L: What is it about?

M: I haven't read it, but our teacher told us that it is about a boy?

L: What is his name?

M: I don't know.

L: When does the action take place?

M: I think it takes place in London.

L: Is it an adventure book?

M: Yes, it's about the adventures of a poor boy.

L: Is it "Oliver Twist"?

M: Oh, yes, thank you.

O'yin ikkita jamoa o'rtasida bo'lishi mumkin:

A) Kutubxonachilar B) Kitobxonlar

O'quvchilar navbati bilan goh u, goh bu rolni bajarishlari mumkin. Agar "Kutubxonachilar" gap qanday kitob haqida borayotganligini topishsa, ular bir ochko olishadi, o'qituvchi izlanayotgan kitoblarni nomlarini bilishi shart va u aniqlanayotgan kitoblarni ro'yxati yozilgan plakatni tayyorlab qo'ygan bo'lishi lozim.

Game-2. Books and authors.

O'qituvchi sinf jamoasini bir necha guruhlarga ajratadi. So'ngra u mashhur yozuvchilarning ism-sharifini aytadi. O'qituvchi qaysi o'quvchiga yuzlansa, u nomi yuqorida keltirilgan yozuvchining asari nomini aytishi lozim. Masalan:

O'qituvchi: — "Charles Dickens".

I o'quvchi: — "Dombey and Son"

II o'quvchi: — "Little Dorrit".

III o'quvchi: — "David Copperfield" va hokazo.

O'yin oxirida qaysi guruh ko'proq asarlar nomini ayta olsa g'olib bo'ladi.

Game-3. A Hero of lovely tale.

Mashhur ertaklar bosh qahramonlari tasvirlangan suratlar majmuasi.

O'qituvchi: — Biznikiga turli xil sevimli ertaklarimiz bosh qahramonlari mehmonga tashrif buyurishdi. Qani, suratlariga qarab ular kim ekanini topish uchun tasvirlab beraylik-chi.

I pupil: This is a girl. She is a small girl. She has got a nice dress and a red hat on. She has got a grandmother. She often goes to see her...

[Little Red-Riding-Hood]

II pupil

And now let's repeat these tongue twisters!

1. That fat black cat sat on a hat. [æ]
2. Red lorry, yellow lorry. [O]
3. Kate, take a plate. [e]
4. Mark has a smart car. [a:]

Riddles.

1. In my house there is a smaller house with windows and doors and only one person living in it — knowledge. [bookcase]

2. It is not a bush, but has leaves; it is not a shirt, but is sewn together; it has no tongue, but tells a tale. [a book]

3. I know everything, I teach everybody, If you want to make friends with me, You must first learn. [a book]

4. The field is white, black is the seed, and the sower who sowed it was clever indeed. [a page in a book]

Complete each of the following well-known proverbs.

1. No _____ is good _____.
2. A _____ in need is a _____ indeed.
3. So many _____, so many _____.

Task-1. Fill in the blanks.

I am fond of reading. I like to read _____ (books).

My favourite book is _____. The author of the book is _____. He (she) is a famous _____ writer. The book tells us about _____. My favourite character is _____. She (he) is popular with children. She (he) _____ (brave, strong, funny) Etc.

Task-2. Say True or False.

1. It goes without saying, books are our teachers and friends.
2. They help us to learn more about nature, the world around us and many other things.
3. I don't like reading.
4. The author of the book "Mary Poppins" is Alan Milne.

Mamasoat XO'JAQULOV,
Qumqo'rg'on
tumanidagi 7-maktabning
ingliz tili fani o'qituvchisi

ЎҚУВЧИНИНГ БЎШ ВАҚТИ

касб-ҳунар кўникмаларини эгаллашга йўналтирилмоқда

ракларда машғулотларнинг бепул уюштирилаётгани ота-оналарга катта имконият тугдирмоқда. Шу боис ҳам марказга яқин атрофдаги 153, 155-мактаблардангина эмас, балки Навоий, Бобур, Аҳмад Яссавий, Бешбола маҳаллаларида жойлашган 226, 152, 282, 204, 244, 166, 30, 230, 227-умумтаълим мактабларининг ўқувчилари ҳам ҳафта-нинг белгиланган кунларида тўғарак машғулотларига келишади. Ҳар бир гуруҳда ҳафтасига уч маротаба дарс ташкил этилади. Шуниси эътиборга моликки, тўғарак мuddати тугагач, навбатга ёзилган янги аъзолар билан гуруҳ-гуруҳ ҳолида жараён яна давом эттирилади. Биринчи сменада ўқийдиган ўқувчилар эрталабки соат 9дан ўз хоналарида дарс бошлашса, иккинчи сменада ўқувчилар куннинг иккинчи ярмидан бу ерга келишади. Ҳар бир гуруҳга 7-8 нафардан ўқувчи бириккан бўлиб, машғулотларни олиб бориш тажрибали ходимлар зиммасига юклатилган.

Ҳар бир касбнинг оддий ва мураккаб жиҳатига қараб тўга-

рак мuddати белгиланган. Масалан, тикувчилик тўғарагида ўқиш мuddати кўпроқ — 4 ой. Ана шу давр мобайнида тўғарак аъзолари болалар ва катталар учун кийим-кечак тикиш усуллари ўзлаштиришади. Унинг раҳбари Клара Раҳимжонова кийим учун андоза олиш, чоклаш, матога фасон танлашда катта тажрибага эга. «Тўғаракни кузатган қизлар элита парда тикиш, бисер

тўқиш сир-асрорларини ҳам ўрганиши мумкин. Кийим ва матоларга нақш солиш ҳозир урфга кирди, қизларимиз бундан ҳам хабардор бўлишади», — дейди у.

Рассомлик ва дизайн тўғарагидида нафис санъат турига қизиқадиган ўқувчилар сараланган бўлиб, улар мактабда ўқитиладиган тасвирий санъат фани асосларини янада мустаҳкамлаб борадилар. Ранг-

лардан қандай фойдаланиш лозим? Натюрмортнинг пейзаждан фарқи нима? Портретда қайси жиҳатларга эътибор қаратилади, каби саволларга ўқувчи тўғарақда тўлақонли жавоб топади.

Мирҳосил Усмонов, 204-мактабнинг 9-синф ўқувчиси:

— Тасвирий санъат мен учун сирли дунё. Эскиз яратиш, нарса-ҳодисага қараб томошабинга манзур бўладиган асарни тақдим этишнинг нозик жиҳатларини ўрганишимиз. Устозимиз Бобур Раҳматов қадимий ва замонавий меъморчилик обидаларининг дизайни ва лойиҳаси бўйича ҳам сабоқ бериб келмоқда. Тўғаракка қатнай бошлаганимдан бери тасвирий санъат намуналари ҳақидаги умумий тасаввурларим анча кенгайди. Келажакдаги оразим — таниқли рассом бўлиб, халқимизга манзур асарлар тақдим этиш.

Дарҳақиқат, аниқ мақсадга йўналтирилган бундай тўғараклар ёшларни кенг жамоатчиликни ташвишга солаётган муаммо — «оммавий маданият» хурujлари ва таҳдидларидан асрайди. Марказга ёзги таътил даврида 170 нафар ўқувчининг жалб қилиниши ва мавжуд тўғаракларда шуғулланиши нафақат бўш вақтни мазмунли ўтказиш, балки уларни ёт таъсир ва хурujлардан асраш имкониятини ҳам яратди. Бу «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши Ҳамза туман бўлимининг «Баркамол авлод йили» давлат дастури ижросига қўшаётган ҳиссасидир.

Х.ТҶИМАНОВА,
«Ma'rifat» мухбири



Xabaringiz bor, joriy o'quv yilidan umumiy o'rta ta'lim davlat ta'lim standartlari va o'quv dasturlari takomillashtirilib, o'quvchi yoshi va psixofiziologik xususiyatlariga moslashtirildi. Ayrim mavzularni o'qitishda uzviyligi ta'minlanib, sinfdan-sinfga va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi o'quv dasturiga o'tkazildi. 5-sinf geografiya fani o'quv dasturidagi "Aholining soni va yer yuzida joylashgan irqar" mavzusi ham o'zlashtirishdagi ba'zi murakkabliklar sababli 9-sinf dasturiga o'tkazildi. Uning o'rniga esa "Joy plani va geografik xaritalar" mavzusini takrorlash yuzasidan amaliy mashg'ulot kiritildi.

Quyidagi bir soatlik amaliy mashg'ulot ishlanmasi pedagoglar uchun asqotishi shubhasiz.

12-dars. "Joy plani va geografik xaritalar" mavzusi yuzasidan amaliy mashg'ulot.

Darsning maqsadi:

a) ta'limiy - o'quvchilarda o'zi yashayotgan manzil azimutlarini

AZIMUT VA GEOGRAFIK KOORDINATA

u qanday aniqlandi?

o'lchash, joy plani va geografik xaritalar bilan ishlash ko'nikmalarini hosil qilish;

b) tarbiyaviy - o'quvchilarning fanga bo'lgan qiziqishini oshirish, ularni o'z maqsadiga erishish ruhida tarbiyalash; bir-birlariga hurmat, o'zaro yordam va berilgan vazifani bajarishda mas'uliyat hissini oshirish.

d) rivojlantiruvchi - o'rganilgan mavzulardan asosiy tushunchalarni ajrata bilish, ularni amaliyotda qo'llay olishga o'rgatish, mustaqil fikrlash doirasini kengaytirish, o'tilgan mavzular bo'yicha bilimlarni oshirish.

Darsning jihozi: darslik, xarita, lineyka, o'chirg'ich, transportir.

Darsning tashkiliy qismi yakunlangach, o'qituvchi aqliy hujum metodidan foydalanib, o'quvchilarga savollar bilan murojaat qiladi.

1-topshiriq. Siz maktabga 135° azimut bilan borgan bo'lsangiz, uyga qaysi yo'nalishda qaytasiz? Oziq-ovqat do'koniga 225° azimut bilan borgan bo'lsangiz-chi? (Javobingizni daftaringizga yozing.)

Javob: 135° azimut ufq tomoni bo'yicha janubi-sharqqa to'g'ri keladi. Uyga qaytishda o'quvchilar qarama-qarshi tomon, ya'ni shimoli-g'arbga tomon yuradilar.

135+180=315°


315° ufq tomoni bo'yicha shimoliy-g'arb bo'ladi. Demak, o'quvchilar uyga qaytishlari uchun shimoli-g'arbga tomon yuradilar.

Oziq-ovqat do'koniga 225° azimut bilan borgan bo'lsa, 45° azimut bilan qaytadilar.

2-topshiriq. Topografik xaritada maktabdan sport majmuasigacha bo'lgan 1 km. masofa:

a) 20 sm. b) 5 sm. c) 10 sm. bo'lsa, plan masshtabi qanchaga teng bo'ladi?

Javob: Bu topshiriqda 1km. masofani santimetrغا aylantiramiz.



1 km.=1000 m. 1000 m=100 000 sm.

1 km.=100000 sm. bo'lsa, berilgan planning masshtabi:

100 000:20=5000

a) 20 sm. bo'lganda 1:5 000

Mexiko, Pekin, Kanberra shaharlarining geografik koordinatalarini aniqlang va daftaringizga yozing.

Javob: Xaritadan istalgan nuqtaning geografik koordinatalarini aniqlash uchun berilgan shaharlarning qaysi parallel va meridianda joylashganligini bilish zarur. Toshkent 40° va 50° shimoliy parallelar oralig'ida joylashgan. 50°-40°=10°. Oraliqni 10ga bo'lamiz. Bizning nuqtamiz 1ga to'g'ri keladi. 40+1=41. Demak, 41° shimoliy kenglik. Endi geografik uzoqligini topamiz. Toshkent 60° va 70° sharqiy uzoqliklar oralig'ida joylashgan. 70-60=10 nuqtamiz 9ga teng bo'ldi. 60+9=69

Demak, 69° sharqiy uzoqlik. Qolgan shaharlarning geografik koordinatalari ham shunday topiladi.

5-topshiriq. Geografik xaritalarda izobara va izoterma chiziqlari bilan nimalar aniqlanadi?

Javob: Geografik xaritalarda izobara deb, havo bosimi bir xil bo'lgan nuqtalarni tutashtiruvchi chiziqlarga aytiladi.

Havo harorati o'xshash bo'lgan nuqtalarni tutashtiruvchi chiziqlarga izoterma deyiladi.

	60°	70°		
50°		41° shimoliy kenglik 69°sharqiy uzoqlik		
40°				
1) Toshkent				

	110°	120°		
0°		40° janubiy kenglik 117° sharqiy uzoqlik		
40°				
3) Pekin				

masshtabga aylantirilganda 1:1 000 000;

1 sm.da 250 km. sonli masshtabga aylantirilganda 1:25 000 000;

1 sm.da 5000 km. sonli masshtabga aylantirilganda 1:500 000 000 deb o'qiladi.

4-topshiriq. O'qituvchingiz yordamida 5-sinf o'quv jahon siyosiy xaritasining "Yarim sharlar xaritasi"dan (30-31-betlar) foydalanib, Toshkent,

	100°	90°		
20°		19° janubiy kenglik 99° sharqiy uzoqlik		
10°				
2) Mexiko				

	140°	150°		
30°		35° janubiy kenglik 149° sharqiy uzoqlik		
40°				
4) Kanberra				

Uyga vazifa: 5-sinf o'quv atlasidan (26, 27-betlar) foydalanib, Urganch, Buxoro, Samarqand va Jizzax shaharlarining geografik koordinatalarini aniqlang va daftaringizga yozib keling.

Sabohat BERDIYEVA, Mirobod tumanidagi 213-maktabning geografiya o'qituvchisi, Esongul NAZARALIYEVA, RTM geografiya fani metodisti

ЁРҚИН КЕЛАЖАК ЭГАЛАРИ

Болалар богчаси ёнидан ўтар экансиз, спорт майдончасида кимўзарга югураётган, тизилишиб, шеър айтаётган жажжиларга ҳавасингиз келади.

Янгиер шаҳридаги 6-«Ширинтой» мактабгача таълим муассасасининг номи сирдарёликларнинг тилига тушган.

Мазкур богчада 195 нафар ўғил-қиз тарбияланади. Кенг ҳовли, чиройли гуллар, ҳар бир гуруҳ болаларининг ёшига мос машғулотлар хонаси, овқатланиш, ётоқ жойи ўзгача жиҳозланган. Ҳар бир гуруҳдаги мавжуд маънавият ва маърифат, миллий бурчакларда бир-бирини такрорламайдиган кўргазмали куrollар, тарбиячилари тайёрлаган эртақ қаҳрамонлари, ўйинчоқ-

Maktabgacha ta'lim muassasalarida

лар, кўғирчоқлар, дарахту анвойи гуллар тасвирини кўриб, кўнглингиз яйрайди.

Богчада ҳар бир кунни мазмунли ўтказишга, болажонлар қобилиятларини шакллантиришга, уларнинг истеъдод қирраларини кашф этишга алоҳида эътибор берилади. Масалан, чоршанба куни болалар ижросидаги концертлар ташкил этилса, жума куни саҳналаштирилган эртақлар намойиш этилади. Ҳафта-нинг 3 кунида бадий гимнастика тўғараги машғулотлари бўлиб ўтади.

Озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланганлик ҳам яхши. Нонушта ва тушлик дастурхонига мазали таомлар тортилади.

— Наргиза Холназарова, Наталья Коварданова сингари ижодкор, талабчану меҳнатсевар тарбиячилар номини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман, — дейди биз билан суҳбатда МТМ мудираси Феруза Бурхонова.

Дарҳақиқат, бундан бир неча йил аввал «Йилнинг энг яхши тарбиячиси» кўрик-танловида иштирок этиб, ғолибликни қўлга киритган, республика анжуманида қатнашиб «Болалар нутқини ўстириш маданияти» мавзусида маъруза ўқиб, соҳанинг таниқли мутахассислари эътирофига сазовор бўлган ва бугун эзгу мақсадлар сари интилаётган Феруза Бурхонованинг шижоати, масканда амалга оширилаётган ишларда намоён бўлмоқда.

Болалар богчасидан узоқлашамиз... Мусиқа залидан жажжи ўғилу қизчаларнинг:

**Биз ҳеч кимдан кам бўлмаганмиз,
Кам бўлмаймиз илло ҳеч қачон.
Биз бир танмиз, собитқадаммиз,
Ортимизда Ватан жонажон.
Биз баркамол ўктам авлодмиз,
Келажаги буюк давлатмиз,
деб айтаётган ашъорлари қуломимиз остида жаранглаб турарди.**


Б.АБДУЛЛАЕВ

Сирдарё вилояти

O'quv muassasalarida hozirgi kunda "Eng yaxshi kitobxon" nominatsiyasida ko'rik-tanlovlarning tashkil etilayotgani quvonarli hol.

Сиз bunga nima deysiz?
 Яқинда кўхна Самарқандга с а ф а р қилиб «Гўри Амир» мақбараси, «Бибиноним» масжиди, «Шохи Зинда», «Регистон» майдони, Улугбек расадхонаси ва музейи, «Имом ал-Бухорий» мақбарасини зиёрат қилишга мушарраф бўлди.
 Ўртбошимиз Ислон Каримов сазй-харакатлари билан бу ерларда амалга оширилган таъмирлаш ва

Ўқувчилар билан гавжум
 Тоғ ён-бағрида жойлашган Шахрисабз туманидаги 51-мактаб кутубхонасида 5100 нусхадан зиёд турли қўлланма ва бадий адабиётлар сақланади. Уларни кўз қорачигидек асраб-авайлаймиз. Таълим масканимизда 400 нафарга яқин ўқувчи фан сабоқларини кунт билан ўрганмоқда. Уларнинг деярли барчаси китобларни севиб мутолаа қилишади. Замонавий типда қад ростлаган мактабимиздаги ахборот-ресурс марказида 15та компьютер жамланмаси ёрдамида Т.Рахмонов ёшларга компьютер сабоқларини ўргатмоқда.
 Мактаб раҳбари Илҳом Юсупов, ўқитувчилар Р.Алиева, Н.Авазов, А.Бойтўраев, Т.Жалилов, Х.Авазов сингари тажрибали устозларимиз сазй-харакатлари боис фан олимпиадалари, кўрик-танловлар ҳамда турли спорт мусобақаларида ўқувчиларимиз фахрли ўринларни эгаллаб келмоқда. Таълим масканимизда кўп йиллардан буюн «Тоғ гули» фольклор жамоаси фаолият кўрсатади.
 Яқинда вилоят миқёсида бўлиб ўтган «Китобсеварлар» ўқувчилар кўрик-танловида иштирок этган Аҳрор Жумаев ҳамда Зоҳира Бобукулова олий ўринни кўлга киритиб, диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди. Биргина бу эмас, жорий йили республика миқёсида ўтказилган «Таълим муассасаси кутубхоначиси-танловида» голиб деб топилганимиз ҳам болажонларимизнинг китобга бўлган беқиёс меҳри, бу бордада ишни тўғри йўлга қўйганлигимиздан далолатдир. Қисқача айтганда, зиёга чулғовчи китоблар бор экан, маънавий хамиша ҳар ерда гуллаб-йашайверди.
Дилноза ЮСУПОВА,
Шахрисабз туманидаги
51-мактаб
кутубхона мудираси



Ўқилган китоб — бойлик

Маълумотларга эғалик маънавий комиллик дегани эмас

Бирок китоб фақатгина ахборот манбаи эмас. У инсоннинг бошқа бир инсонга айтмоқчи бўлган дил изохори, ўқувчини ўйлашга, фикрлашга, бир зум тўхтаб, мулоҳаза юритишга улдовчи ёрқин гоғлар жамланмасидан иборат.

Яхши китобни қандай топса бўлади?

«Кино ва телевидение, шунингдек, ОАВнинг бошқа турлари тараққийети кўп нарсани ўзгартириб юборди. Саёҳатларни ҳисобга олмаганда, тил ўрганишнинг ягона воситаси яқин кунларгача ҳам дарсликлар эди. Ҳозир эса болалар тил ўрганиш учун CD-дискларидан фойдаланишни, ўша тилда фильмлар кўришни афзал билапти. География соҳасида ҳам худди шунанга вазият. Болаларга мен ўзим билмаган мамлакатлар ҳақида Жюль Верн асарларидан билиб олардим. Фарзандларим эса телевидение ва кино шарофати билан ҳали ҳарф таълимидан, улар ҳақида мендан кўпроқ маълумотга эга бўлиди. Фильмлар орқали бемалол қадимги Рим тарихини ўрганиб чиқиш мумкин. Бунинг учун, ёлгон «сўзламайдиган» фильмларни танлаш олиш керак, ҳоло, — деб ёзади италиялик файласуф Умберто Эко ўзининг «Интернетдан Гуттеберга» матн ва гиперматн» асарига.
 — Янги авлод болалари компьютер тўғрисида шиддатли тезлик билан ўқишни ўрганди ва ўқувчиларнинг ўқиш тезлиги университет профессорлариникига қараганда анча каттароқ. Шахсий компьютерда дастурлаштириш учун тинийжерлар (ўсимрлар) ҳеч бўлмаганда ўқишни билиши, мантсий амаллардан хабардор бўлиши ва юқори тезликда сўз ва рақамларни тера олиш зарур. Шу маънода, компьютер одамларни Гуттенберг галактикасига қайтаришга хизмат қилади. Туиларини интернет-чатларда ўқувчиларнинг ҳам асосий курали — сўзлар. Агар телеэкран — тинсоллар ёрдамида акс этган дунё даричаси бўлса, компьютер дисплеи оламни сўзлар орқали тасвирловчи ва ўзига хос саҳифаларга эга идеал китобдир».

Бирок китоб фақатгина ахборот манбаи эмас. У инсоннинг бошқа бир инсонга айтмоқчи бўлган дил изохори, ўқувчини ўйлашга, фикрлашга, бир зум тўхтаб, мулоҳаза юритишга улдовчи ёрқин гоғлар жамланмасидан иборат.

ЎзДЖТВ халқро журналистика талабалари орасида ўтказилган сўровнома натижалари бугунги ёшларнинг қандай бадий адабиётларга қизиқайганини бироз ойдинлаштирди.
 «Ўткан кунлар» — илк ўзбек романи. Ажабмаски, мутолаага бўлган муносабатимиз кўп жиҳатдан мана шу асарни ўқиган ёки ўқимаганлигимиз билан белгиланса. Сўровноманинг «Ўткан кунлар» романини ўқиганимизми?» деган бағдида ёшларимиз «Ҳа» жавоби ёзилган. Асарият ёшлар детектив ва саргузашт жанрлардаги китобларни севиб мутолаа қилишни билдирган. Китоб ўқимаслигининг сабаби сифатида 80 фоизга яқин талаба вақт етишмаслигини кўрсатган.

ҲАЁТИЙ ҲИҚМАТ

бир саёҳатдан сўнги хулоса

ободонлаштириш ишларининг самарасини кўриб хайратга тушдим. Катта йўл ёқасидаги турли-туман гуллардан дилингиз яйрайди.
 Ҳақиқатдан ҳам Самарқанд ўз номи билан «Обод ва гўзал шаҳар» экан. Айниқса, «Эски шаҳар» қисми ўз калоритини сақлаган ҳолда кишини ўзига мафтун қилади. Регистон ансамбли Рим ёки Афинадаги амфитеатрлардан минг қарра ортиқлигини, «Шохи Зинда» биноси гишларидидаги бўёқлар таркиби ҳали-ҳанузгача сирлигича қолаётгани, Имом ал-Бухорий мажмуасидаги қўли гул усталарнинг маҳоратларини томоша қила туриб, завқланасан.
 Ушбу саёҳатдан олган таассуротларим ичимга сиймай буюк тарихий обидаларимиз, улуг аждодларимиз билан боғлиқ асарларга қизиқишим янада ортди.

фаолиятини ўрганиш ҳаммамиз учун ҳам қарз, ҳам фарз бўлиб, бу ўзлимизни англаш, қалбдаги маънавиятнинг ўчмас нури ҳисобланади. Шундан билдимки, фарзандларимизни китоб ўқишга ўргатишимиз катта ҳиқмат экан. Бежиз устозлар фарзандларига китоб олиб бермайдиган, уларни мутолаага қизиқтирмайдиган ота-оналарни айбланмас эканлар.
 Ўйлашимча, бундай вазиятларда мактаб-оила ҳамкорлигида иш олиб бориши зарур. Ўқувчиларни мактаб кутубхонасига кенг жалб қилиши ёки китоб дўконига саёҳат машғулотларини ташкил қилиши лозим. Болани китоб ўқишга қизиқтириш устознинг маҳоратига, педагогик ёндашувига ҳам боғлиқдир. Зеро, кўнгил тарбияси — ота-оналар ва ўқитувчиларнинг бош мақсади.
Лола ҲИДОЯТОВА,
уй бекаси

ИККИ ВОСИТА: улардан унумли ва ўрнида фойдаланиш зарур

Бугунги турмуш тарзимишни компьютер техникасиз тасаввур этиш қийин. Зарур дақиқаларда улардан беминнат фойдаланамиз, билмаганимизни ўрганамиз. Қисқаси, бўш қолдик дегунча Интернет аталмиш ажабтовур оламдан нималарнидир излашга тушамиз. Умуман айтганда, компьютернинг афзалликлари бисёр. Айниқса, у вақтини тежайди, бирор-бир маълумот керак бўлиб қолса, бош қотириб ёки бирор манзилга бориб изланишининг кераги йўқ, интернет орқали барча маълумотларни ўтирган жойда, тез фурсатда топиш мумкин.

Шундай соҳалар, касб-корлар борки, улар учун китобга қараганда, интернетдан фойдаланиш афзалроқ. Чунки, нима бўлганда ҳам, китобда берилган маълумотларга нисбатан интернетдаги маълумотлар кун сайин анчилиган деб боради. Бу билан китоб ўқиш бефойда демокчи эмасмиз, зеро, фойдали китоб инсон маънавиятини оширувчи кучли воситадир. Ёшларга компьютер билимларидан сабоқ бериш, уларни жамятга фойдаси тегадиган етук мутахассис қилиб тарбиялаш жуда муҳим вазифа, лекин шу ўринда ёшларимиз илмий ва бадий адабиётларни мутолаа қилишдан воз кечишлари мутолаа нотўғри.

Та'kid
 Ёши улуг қишлар «Қанча кўп китоб ўқисанг, қамолотга етасан. Фикринг улғаяди, оқдан қорани ажратадиган бўласан», деб жуда кўп насихат қилишади. Чиндан ҳам китоб билан компьютернинг ўрнини таққослаб бўлмайди, уларнинг ўрнини фарқлай билиш зарур.
 Китоб ўқиган одамнинг ақли ривожланади, нуқти раво бўлади. Бирон-бир китобни кўлга олиб варақласангиз, ундаги сатрлар уммон маъжлари сингари тўқиниланиб, аста-секин сизни ўзига ром этади. Шундай экан, замон билан ҳамнафас бўлман деб, буюк аждодларимиз яратган адабий манбалардан йироқлашмасдан, замонавий техника воситаларидан фойдаланиш баробарида бўш вақтимизни китоб ўқишга, ақлий салоҳиятимизни бундан-да ривожлантиришга сарф этсак, мақсадга мувофиқ бўларди.
Дилфуза ХУДОЙБЕРДИЕВА,
Тошкент молия институти

Аммо, таажубки, компьютердан фойдаланиш ҳар доим ҳам яхши оқибатларга олиб келмаслиги мумкин. Масалан, монитор ёнида 30 дақиқадан ортқ ўтириш инсон соғлиги учун зарарли. Компьютердан мақсадли фойдаланиш аҳолининг барча қатламлари учун бирдек зарур, лекин мактаб ёшидаги ва ундан кичик ёшдаги болалар учун чекловларни жорий этиш мақсадга мувофиқ.
 Шунингдек, интернетдаги керакли маълумотлар билан бир қаторда кераксиз манбалардан ҳам фойдаланиш мумкин. Интернет каби «беминнат дастёр»дан ёшлар мақсадсиз фойдаланиши оқибатида бўлар-бўлмас зарарли гоғларни ўзлаштириб олишлари ҳам сир эмас. Интернетдан қимнингидир гоғларини кўр-кўро-на ўзлаштирмасдан кўпроқ китоб ўқиш, ўз шахсий фикрига эга бўлиш, фикрлаш доирасини кенгайтириш лозим. Шундай экан, инсон интелектуал салоҳиятини ошириш учун компьютер билан бир қаторда китобдан ҳам ўз ўрнида фойдаланиши зарур.

БОЛАЛИККА ҚАЙТМОҚЧИМИСИЗ? унда фарзандингиз билан бирга эртак ўқинг

«Ma'rifat» газетасининг 15 сентябрь сониде эълон қилинган «Эртак — бахтли ҳаётга йўлак» номли мақолада халқ оғзаси ижодининг ёрқин намунаси бўлмиш эртаклар фақат тарбия воситаси эмас, балки, ота-она ва фарзандни руҳан яқинлаштирувчи кўприк экани, болани англашда оиланинг катта аъзолари томонидан ҳикоя қилинувчи матал ва ривоятларнинг ўрни беқий ёшлиги таъкидланган. Кўшимча сифатида айтиш мумкинки, эртаклар ҳаётини уйдирмалар асосига қурилгани боис, уларда табиий равишда ҳаёт ҳақиқати акс этади.
 Билямизки, эртак инсон фантазияси ва ички кечинмалари тажассумидир. Унда ҳажжи юракни инсонпарварлик, Ватанга муҳаббат, ростгўйлик, ҳалоллик туйғулари билан тўлдириб гоғси устувор. Шунинг учун бўлса керак, барча эртакларда яхшилик ёвузликдан қучиқроқ чиқадди, деярли ҳамма эртак ижобий қаҳрамонларнинг «мурод-мақсадига етиши» билан якун топади.
 Эртакни қизиқарли ва маромига етказилган ҳолда айтиш, боланинг эътиборини жалб қилиш ҳам бир санъат. Ундаги асл гоғни англаш олиш, эртакни ролга кириб сўзлаш эса алоҳида хоҳиш ва иқтидорни талаб қилади.
 Инсонларнинг маиший турмуш тарзидан дарак бериб, ибрат, намуна вазифалари бажарувчи эртаклар жаҳон тилларининг барчасида бир хил жаранглайди. Дунё халқ оғзаси ижодини кузатадиган бўлсак, улар орасида фарқлардан кўра, ўхшашликлар кўпроқ. Сабаб шуки, авлод-аждодларимиз тафаккурда, дастлаб мифология тасаввурлар устуниқ қилган ва қадриятлар, орзу-истаклар деярли бир хил бўлган. Базми халқлар эса эртакларни сирли куч-қудрат манбаи сифатида эъзозлаган. Қадимда ҳар бир уруғ ёки қабила ўзининг махсус «эртакчи»ларига эга эди ва улар айтган

эртаклар турлича номлар билан аталган. Масалан, Ўзбекистоннинг Сурхондарё, Самарқанд, Фарғона вилоятларида эртак — матал деб номланса, Бухоро атрофидаги айрим қишлоқларда — ушук, Хоразмда — варсаки, Тошкент шаҳри ва унинг атрофларида — чўпчак дейилади.
 Ҳар бир эртак уч қисмдан: кириш, воқеалар ривожини ва якундан иборат. Миллий эртакларимизнинг аксарияти «Бир бор экан, бир йўқ экан» деб бошланади, энг асосий воқеалар «Йўл юрибди, мўл юрибди»дан кейинги вазиятга тўғри келади,
 — ҳаётини (ҳаётдаги реал воқеалар асосидаги) эртаклар;
 — ҳажвий эртаклар
 Фарзандларимизга эртак айтиб бериш қийинчилик туғдирмайди. Қолаверса, ўзбек халқ эртаклари жамланган китоблар бизга яқиндан кўмак бериши мумкин. Ҳозир чоп этилаётган баъзи хорижий эртак китобларнинг орқа муқовасида ўша давлатнинг ер майдони, рамзалари, шу давлат ҳақидаги маълумотлар жойлаштирилган кўпчилик китобхонлар учун фойдадан холи эмас. Мактабга таълим муассасаларида эртак қаҳрамонлари бурчакларини ташкил этиш, бошланғич синфларда ўқувчиларнинг маъруз жанр ҳақидаги тасаввурларини кенгайтириш орқали болаларни бадий китоблар мутолаасига, мустақил ўқишга ўргатиб боришимиз мумкин.
 Эртаклар нафақат кичик ёшдаги болакайларнинг, балки биз — катталарнинг ҳам доимий ҳамроҳимиз. «Эчки болалари», «Зумрад ва Қиммат», «Учар гилам», «Очил дастурхон» сингари болағимизда севиб тинглаган эртакларимиз ханузгача қалбимиздаги, шууримиздаги хотираларни жунбушга келтиради, навбатдаги эртакни тинглаш учун тезроқ ўрнимизга ётиб, «Эртак айтиб беркинг», дея хархаша қилган беғубор дамларимизни ёдга солади. Шундай экан, фарзандларимизни эртак тинглашдек завқли ва унутилмас дамлардан бебаҳра қолдирмайлик.
Дилбар НОРМУРОДОВА,
Термиз шаҳридаги
11-мактабнинг оша тили ва адабиёт фани ўқитувчиси

Aks sado
 «Қаҳрамонлар тақдири нима кечди экан?» деган саволга «мурод мақсади етибди» тарзида жавоб берилади.
 Қизиқарли сюжет асосига қурилган бу ҳикоялар онгли равишда «уйдирма» ҳолида сўзлаб берилади. Ўзига хос бадий шаклга эга бўлиб, содда тилда ифодаланади. Бундан кўп асарлар илгари, кундузи топишмоқ, кун ботган эса эртак айтиш одамлар учун оддий «юмуш»лардан бири эди. Мазкур анъана боланинг ақлий салоҳиятини, топқирлигини ўстириш билан бирга, туни ошуда ўтказиш, эртанги ҳаёт учун ўз олдига мақсадлар қўйиб, тинч ҳолатда ухлаш учун зарур ҳисобланган. Уларнинг назарида тун ёвуз руҳларнинг эркинликка чиқадиган пайти бўлиб, эртаклар айтиш орқали одамлар узун кечаларни қисқартиришга ҳаракат қилган.
 Таъкидлаш керакики, эртак атамаси ва унинг дастлабки кўриниши Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону лутғотит турк» асарида учрайди.
 Сюжет ва мазмунига кўра эртаклар бир неча турга бўлинади:
 — ҳайвонлар ҳақидаги эртаклар (бунда ҳайвонлар бош қаҳрамонлар

КИТОБ ДЎКОНИГА ҚАЧОН БОРГАНСИЗ?

Китоб — инсоннинг дунёқарашини ўстириш, ўзини англаш, нутқини бойитиш, бадий ва эстетик дидини шакллантиришда асосий воситадир. Яъни китоб — инсонни қомил шахс ҳамда чин маънода гўзал хулқли қилиб тарбиялайди.
 Сир эмас, ҳозирги кунда ўқувчи-ёшлар нисбатан кам китоб ўқинапти. Бунинг сабаблари турлича, шунингдек ечимлари ҳам.
 Аввало, китобга бўлган муносабатни оиладан бошламоқ лозим. Ота-оналар фарзандларига турли-туман урф қийимлар, қулоқни қоматта келтирадиган пиротехник воситалар, компьютер, радиоплейер, қимматбаҳо ўйинчоқларини сотиб олиш учун сарфлайдиган пулларини китоб сотиб олиб беришга ишлатса, фарзандларининг қомил инсон бўлиб улғайишида муносиб ҳисса қўшган бўлар эди.
 Шу боис ҳар бир ўқитувчи таълим муассасаларида ўқувчиларнинг ота-оналар мажлисларида «Сиз охириги марта фарзандингизга қандай китоб олиб бердингиз?», деб муножабат қилиш ва бунга ундаши масалага ижобий ечим топишга жуда муҳим.

ёқтирган китобни сотиб олишга ҳамда мутолаа қилишга одаланади.
 Шунингдек, мактаб кутубхоналарида деворий газеталар ташкил этилса-ю, уларда кутубхонада мавжуд адабиётлар ва янги нашрдан чиқадиган асарлар ҳақида маълумотлар бериб борила, китобхонларга реклама вазифасини бажарар эди. Шу билан бирга мактаб, коллеж ички доирасида «Энг яхши китобхон» танлови уюштирилиб, голибининг расми деворий газетга ёпиштирилса, қолган ўқувчилар ҳам шу даражада етимишга ҳаракат қиларди.
 «XXI аср — замонавий ахборот технологиялари асри, энди китобга бўлган талаб ўрнини компьютер, интернет эгаллайди» дейишади. Тўғри, уларнинг афзаллик томонлари кўп. Лекин китоб бера оладиган маънавий тарбия, одоб-ахлоқ, бадий-эстетик дид, мутолаадан кейин олинмайдиган бир дунё кузурулини бахтини ахборот технологиялари бера оладими?
 Китобхон китобни ўқир экан, ўзини асар қаҳрамонларига қийналади. Яхши ҳислатларини ўзига ҳо қилишга, ёмонлик ва ахлоқсизликларнинг салбий оқибатларидан хулоса чиқариб, улардан қочишга ҳаракат қилади. Шундай экан, биз педагоглар, ота-оналар эртанги кун эгалари бўлган баркамол авлоднинг тарбиясига ижобий таъсир қўрсатадиган китоб мутолаа қилишни тарғиб-ташвиқ қилишимиз ҳар қачонтидан ҳам муҳимдир.

Taklif
 Ўқув муассасаларида ҳозирги кунда «Энг яхши китобхон» номинациясида кўрик-танловларнинг ташкил этилаётгани қувонarli ҳол. Ўқитувчиларнинг ўқувчиларини музей, кино, зоопарк, театр ва циркларга олиб бориши уларнинг маданий дам олиши ҳамда билимларини оширишни кўзда тутди. Лекин ўқувчиларни китоб дўконларига олиб боришни ҳам оммалаштириш керак. Шунда ўқувчи ўзига

«Китоб — сеҳрли тасма. Ҳар кўп кўрма экансиз, унинг ичиде нималар яширини эканини ҳеч қачон била олмайсиз. Китобни очини учун эса фақат хоҳиш ва ана шу китобнинг ўзи керак бўлади.
Висола ҚАРШИБОВА

Хитой Халқ Республикасининг Ланжоу шаҳрида учинчи бор «Маданият ва ўзаро алоқалар» халқаро фотокурғазмаси ташкил этилди. Ланжоуда таҳсил олаётган хорижлик талабалар томонидан уюштирилиб келинаётган бу тadbир «Ранг-баранглик ва монандлик; ҳамкорлик ва интеграция» шиори остида ўтказилиб, унда 20га яқин давлат вакиллари иштирок этди. Қувонарлиси, қатнашчилар орасида ўзбекистонликлар ҳам бор эди. Ланжоу университети курғазмалар залида ўтган тadbирга талабалар, ўқитувчилар, университет



ЎЗБЕК ТАЛАБАЛАРИ — ТАНЛОВ ҲОЛИБЛАРИ

раҳбарияти ва маҳаллий оммавий ахборот воситалари вакиллари ташриф буюрди.

Мамлакатлар ва халқлар ўртасида ўзаро дўстлик, ҳамкорлик, ҳамжиҳатлик алоқаларини мустаҳкамлашда санъат ва маданиятнинг ўрни беқиёс. Мазкур курғазмани ўтказишдан мақсад ҳам шу эди. Намойиш этилган фотосуратларда иштирокчиларнинг мамлакатлари, урф-одати, маданий мероси, ўтмиши ва замонавий ҳаёти акс эттирилди. Шу билан бирга, турли амалий санъат буюмлари ҳам курғазмага қўйилди. Бу йилги халқаро курғазмада ҳам доимгидай концерт дастури намойиш этилди.

Тadbирда университетнинг халқаро маданиятлар алмашинуви бўлими томонидан май ойида эълон қилинган «Хитой таассуротлари» номли фототанлов ҳамда «Мен Хитойни биламан» иншолар танлови ғолиблари ҳам эълон қилинди. Юртдошларимиздан ҳозирда айни университетнинг халқаро сиёсат факультети талабаси Муҳиддин Алимбаев фототанлов ғолиби деб топилган бўлса, иншолар танловида ҳам ўзбекистонлик талабалардан бири ғолиблар сафидан ўрин эгаллади.

Байрам сўнгида хорижлик талабалар давлат байрогини кўтариб, саҳнага чиққанида, юртимиз байроғи барчанинг эътиборини тортди.

СУМАНСО

Э Ё Л О Н

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги 2011-2012 ўқув йили учун умумтаълим мактабларига чоп этилиши режалаштирилган дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмаларнинг бошланғич (максимал) қийматини белгилаш ҳамда нашриётлар томонидан дарсликларнинг оригинал макетлари учун белгиланган нашриёт харажатлари калькуляцияларининг тўғри ҳисобланганлигини аниқлаб бериш бўйича

ТАНЛОВ Э Ё Л О Н Қ И Л А Д И

Танлов очиқ турда ўтказилади. Унда Ўзбекистон Республикаси резидентлари бўлган, аудиторлик ва баҳолаш имкониятига эга, талабларни энг арзон нархда бажариб берадиган, фаолият юритиш учун тегишли ташкилотлардан берилган махсус лицензияга эга бўлган, мулкчилик шаклидан қатъий назар, барча юридик шахслар иштирок этишлари мумкин.

Танловда қуйидаги юридик шахслар иштирок эта олмайдилар:
Қайта ташкил этилиш, тугатилиш ёки банкротлик ҳолатида бўлганлар;

Илгари тузилган шартномалар бўйича келишилган мажбуриятларни ўз вақтида бажармаганлар ёки бажармай келаётганлар;

Танлов эълон қилинган кунга қадар ташкил этилганлигига 6 ой бўлмаганлар;

Айни вақтда суд ёки арбитраж жараёнига жалб этилганлар.

Танлов ўтказилиш жараёни ва тартиби ҳақида кўшимча маълумотлар ҳамда 2011-2012 ўқув йилида умумтаълим мактаблари учун чоп этилиши режалаштирилган дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмаларнинг бошланғич (максимал) қийматини белгилаш ҳамда нашриётлар томонидан дарсликларнинг оригинал макетлари учун белгиланган нашриёт харажатлари калькуляцияларининг тўғри ҳисобланганлигини аниқлаб бериш бўйича техник топшириқларни олиш учун Халқ таълими вазирлигининг «Дарсликлар ва ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш бўлими»га эълон чиққан кундан бошлаб (шанба ва якшанбадан ташқари) ҳар куни соат 10:00 дан 17:00га қадар қуйидаги манзилга мурожаат қилиши мумкин:

100078, Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони — 5, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги.
Телефонлар: (8-371) 239-14-01, 239-40-83, факс (8-371) 239-40-81.

Танловда иштирок этиш истагини билдирган ташкилотлар 2010 йил 13 ноябрь кuni соат 15.00 га қадар ўз таклифларини беришлари лозим.

Халқ таълими вазирлиги томонидан эълон қилинган умумтаълим мактабларининг 1-, 4-, 5-, 8-, 9-синфлари учун 2011-2012 ўқув йилида чоп этиладиган дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмаларни яратувчи муаллифлар танлови ғолиблари Р Ё Й Х А Т И

т/р	Дарслик номи	Синфи	Муаллиф(лар)нинг ФИШ
1	Одобнома (ўзбек ва қардош тилларда)	1	О.Ҳасанбоева, М.Иноятова
			С.Олимов
			Қ.Абдуллаева, С.Раҳмонбекова
2	Одобнома (ўзбек ва қардош тилларда)	4	М.Ортиқова
			О.Ҳасанбоева, А.Неъматова
			С.Олимов
3	Меҳнат таълими (барча тилларда)	1	М.Холиқова, Ш.Эргашева
			М.Ортиқова
			Ҳ.Санакулов, Д.Ходиева, С.Умаров
4	Меҳнат таълими (барча тилларда)	4	Қ.Раҳимов
			Ч.Шокирова, А.Жўраева
			И.Маннопова, Р.Мавлонова, Н.Ибрагимова
5	Меҳнат таълими (барча тилларда)	5	Ҳ.Санакулов, Д.Ходиева
			Қ.Раҳимов
			И.Маннопова, Р.Мавлонова, Н.Ибрагимова
6	Математика (барча тилларда)	4	И.Каримов
			Ш.Шарипов, Н.Муслимов, Ҳ.Толипов,
			Қ.Абдуллаева, М.Мўминова, О.Қўйсинов, С.Аҳмадалиев, В.Сатторов
7	Математика (барча тилларда)	5	Н.Бикбаева, Э.Янгабоева, К.Гирфанова
			А.Қўчқоров, М.Мирзааҳмедов, У.Раҳмонов, Г.Ибрагимова
			М.Мирзааҳмедов, А.Раҳимқориев
8	Табиатшунослик (барча тилларда)	4	Б.Ҳайдаров
			П.Ҳуломов, М.Тиллабоева
			А.Баҳромов, М.Боситхонова
9	Тасвирий санъат (барча тилларда)	5	А.Сулаймонов, З.Сулаймонова
			Т.Қўзиев, С.Абдурасулов, Ҳ.Нуртоев
			Қ.Усмонов, У.Жўраев, М.Мўйдинова
10	Тарихдан ҳикоялар (барча тилларда)	5	Д.Зиёева, Н.Мустафоева, Д.Кенжаев, Н.Нарзиев
			А.Саъдуллаев, В.Костецкий
			Х.Муҳиддинова, Я.Авлақулов
11	Ўзбек тили (рус ва қардош тилларда)	5	У.Лафасов
			А.Рафиев, Г.Муҳаммаджонова, Н.Оловуддинова
			А.Даулатов, М.Худайбергенов, Г.Абдукаримова
12	Алифбе (A'lipbe) (қорақалпоқ)	1	Қ.Ҳожамуротова
			А.Даулатов, М.Худайбергенов
			Қ.Ҳужамуротова, Н.Таженов
13	Ёзув дафтари (қорақалпоқ)	1	М.Умаров
			У.Бойқобилов, Г.Нишонова, М.Темирбоева
			Р.Усерова, Д.Солибоева
14	Она тили (Ана тили) (қозоқ)	1	М.Умаров
			У.Бойқобилов, Г.Нишонова, М.Темирбоева
			Р.Усерова, Д.Солибоева
15	Ўқиш китоби (Оқу китаби) қозоқ	1	М.Умаров
			Р.Усерова, Г.Нишонова
			У.Бойқобилов, Г.Нишонова, М.Темирбоева
16	Қозоқ тили (Қазақ тили)	5	Г.Бойқобилов, Г.Нишонова, М.Темирбоева
			Г.Бойқобилов
			Қ.Сейданов, Г.Нишонова
17	Адабиёт (Эдебиет) (қозоқ)	5	С.Досимбетова
			Т.Чориев
			Собир Солиев, З.Умиров, Солибой Солиев
18	Она тили (Забони модари) тожик	1	Ж.Эшонкулов, Ю.Азимов
			З.Тохириён, Қ.Маҳмудов, Р.Мўминжонов
			Т.Чориев
19	Ўқиш китоби (Китоби хониш) (тожик)	1	Собир Солиев, Р.Мисриева, Солибой Солиев
			А.Қамарзода
			Ю.Азимов, Ж.Эшонкулов
20	Тожик тили (Забони тоҷикӣ) (тожик)	5	А.Юнусалиева, О.Тўйчибоева
			Айнура Зулпихорова, Айнагул Зулпихорова
			А.Юнусалиева, О.Тўйчибоева
21	Адабиёт (Адабиёт) (тожик)	5	Айнура Зулпихорова, Айнагул Зулпихорова
			М.Темирова, М.Содиқова, С.Айимахмедова
			Н.Алисултонова
22	Она тили (Эне тили) (киргиз)	1	М.Темирова, М.Содиқова, С.Айимахмедова
			Г.Эралиева, Айнагул Зулпихорова, Д.Маматалиева
			Г.Абдуллаева, Г.Велбеков, К.Холлиев
23	Ўқиш китоби (Оқу китеби) (киргиз)	1	О.Аманназарова, Г.Бердиева
			Г.Абдуллаева, Г.Велбеков, К.Холлиев
			О.Аманназарова, Г.Бердиева
24	Қирғиз тили (Кыргыз тили)	5	Г.Союнова, Г.Назарова, Б.Муҳаммедова
			А.Қадиров, Т.Байтанов
			К.Раззоқова, Г.Велбеков
25	Адабиёт (Адабият) (киргиз)	5	Х.Абдуллаев, Б.Пашшиев
			Г.Союнова, Г.Назарова, Б.Муҳаммедова
			А.Қадиров, Т.Байтанов
26	Она тили (Эне тили) туркман	1	К.Раззоқова, Г.Велбеков
			Х.Абдуллаев, Б.Пашшиев
			Г.Союнова, Г.Назарова, Б.Муҳаммедова
27	Ўқиш китоби (Okuw kitaby) (туркман)	1	Г.Союнова, Г.Назарова, Б.Муҳаммедова
			А.Қадиров, Т.Байтанов
			К.Раззоқова, Г.Велбеков
28	Туркман тили	5	Х.Абдуллаев, Б.Пашшиев
			Г.Союнова, Г.Назарова, Б.Муҳаммедова
			А.Қадиров, Т.Байтанов
29	Адабиёт (туркман)	5	Х.Абдуллаев, Б.Пашшиев
			Г.Союнова, Г.Назарова, Б.Муҳаммедова
			А.Қадиров, Т.Байтанов

Газетамизда ёшларнинг ҳуқуқий билим ва маданиятини оширишга қаратилган мақолалар, ҳуқуқ фани ўқитувчилари учун дарс ишланмалари, услубий қўлланмалар мунтазам равишда бериб борилаётганидан хабардорсиз. Кучли демократик фуқаролик жамияти қуриш йўлида дадил одимлаётган мамлакатимизда ёшларнинг ўз ҳуқуқ ва бурчларини тўлиқ англаб етиши, юртимиз ривожини йўлида қабул қилинаётган қонунлар мазмун-моҳиятини теран тушуниши муҳим аҳамиятга эга. Шу боис аънанани давом эттирган ҳолда "Қонун ва фуқаро" руқни остида материаллар бериб боришни мақсад қилдик. Юридик фанлар доктори Миродил Баратовнинг "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги қонун моҳиятини муштарийларимизга содда ва тушунарли тарзда очиб беришга қаратилган мақоласи сизни эътиборсиз қолдирмайди, деган умиддамиз.

Тахририят

Очиғи, матбуот саҳифаларида, умуман, ОАВда бу қонун ҳақида кўп ва хўп гапирилди. Ушбу чиқишларда қонун мазмун-моҳиятини очишдан кўра унинг халқаро андозалар ва миллий хусусиятларга мос эканлигига кўпроқ эътибор қаратилди. Биз ҳам ушбу фикрларни тўлиқ қўллаб-қувватлаган ҳолда қуйида унинг мазмунини шарҳлашга ҳаракат қиламиз.

Бизни фарзандларимизнинг ҳуқуқлари, бурчлари ва мажбуриятлари қизиқтира-яптими? Умуман, биз, катталар улар ҳақидаги қонунларни қанчалик даражада биламиз? Қонунларимиз болаларни қанчалик ҳимоя қилиб, қанча мажбурият юкляпти? Қонун шу туркумдаги саволларга жавоб беради. У 4 боб, 32 моддадан иборат бўлиб, 2008 йил 7 январда эълон қилинди ва расмий эълон қилинган кундан эътиборан, яъни, 8 январдан кучга кирди.

Қонуннинг **мақсади** — бола ҳуқуқларининг кафолатлари соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат. Қонунда назарда тутилган болалар ҳуқуқларининг кафолатлари халқаро ҳуқуқ нормаларига тўла мос келади. Қонун нормалари «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси», «Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция»да айtilлганидек, "...барча одамлар эркин, қадр-қиммат ва ҳуқуқларда тенг бўлиб туғилдилар", деган бош ғояни ўзида акс эттиради. Яъни, қонун бу борадаги давлат сиёсатини шунга йўналтиради — боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш, унинг ҳаёти ва соғлигини муҳофаза қилиш, камситилишига йўл қўймаслик, шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш, жисмоний, интеллектуал, маънавий ва ахлоқий камол топишига қўмаклашиш, уларда ватанпарварлик, фуқаролик, бағрикенглик ва тинчликсеварлик тўғрисидаги тарбиялаш, болалар ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқий онг ва маданиятини шакллантириш.

Қонун "**бола**" деб, ўн саккиз ёшга тўлгунга (вояга етгунга) қадр ёшдаги шахс, "боланинг **қонуний вакиллари**" сифатида — ота-оналар, фарзандликка олув-

ҚОНУН — СИЗНИНГ ҲИМОЯЧИНИГИЗ

чилар, васийлар, ҳомийлари назарда тутати. Шунингдек, қонунда "етим бола" тушунчаси берилди, яъни у отаси ҳам, онаси ҳам вафот этган ёки уларнинг вафот этганлиги тўғрисидаги суд қарори эълон қилинган боладир. "Ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар" тушунчаси ҳам нормаландики, бу ҳол давлатимиз сиёсатида ҳақиқатан ижтимоий муҳофаза масаласи қанчалик юқори ўрин тутишини кўрсатади. Унга кўра, ногирон, жисмоний ва руҳий ривожланишида нуқсонли бўлган, етим, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган, ихтисослаштирилган муассасаларда тарбияланаётган, муайян яшаш жойига эга бўлмаган, кам таъминланган, жиноий жавобгарликка тортилган, жазога маҳкум этилган, зўравонлик ва эксплуатация, қуролли можаролар ва табиий офатлар натижасида жабрланган болалар ана шу тоифага мансуб бўлиб, улар давлат ва жамият томонидан алоҳида ҳимоя қилишга ҳамда қўллаб-қувватлашга муҳтож ҳисобланади.

Қонуннинг 2-боби бола ҳуқуқларининг асосий кафолатларини белгилайди. Унда белгиланганидек, яшаш ҳуқуқи ҳар бир боланинг узвий ҳуқуқидир. Дарҳақиқат, ҳар бир бола оилада яшаш ва тарбияланиш, ўз ота-онасини билиш, уларнинг ғамхўрлигидан баҳраманд бўлиш, ҳуқуқларига эга. Бу ҳуқуқ болани баркамол, соғлом тан ва тафаккурда вояга етказиш, уларни меҳр-муҳаббат билан тарбия қилиш, жамиятда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларни асл ҳолида тушуниш, идрок қилиш ва хулоса чиқариш, ўзгалар тазовузидан, таҳдидидан муносиб ҳимояланиш имконини беради. Конституциянинг 64-моддасида ҳам белгиланганидек, "...ота-оналар ўз фарзандларини... тарбиялашга мажбурдирлар".

Ушбу қонун ва соҳага дахлдор бошқа қонунларимизнинг муваффақиятли жиҳатларидан бири шундаки, у бола манфаатларини **устувор** деб билади. Шу маънода агар оиладаги муҳит, шароит бола манфаатларига зид бўлса, қонунчилик унинг бундай шароитда қолишига йўл қўймайди.

Бола ўз ота-онаси томонидан тарбияланиш, унинг манфаатлари таъминланиш, ҳар тарафлама камол топиш, инсоний қадр-қимматлари ҳимоя қилиниш ҳуқуқига эга. Болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш унинг ота-онаси зиммасига юклатилади. Ота-

манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан тегишли чоралар кўриши шарт.

Ҳозирги вақтда дунёнинг ривожланган мамлакатлари, хусусан, ғарбий Европада, АҚШда болаларнинг шахс сифатида камол топиш жараёни тезлашмоқда. Бу ҳолат, айниқса, болаларнинг маънавий дунёсида индивидуализм (ҳар бир масала бўйича ўз қарашларига эгалик, бошқалар таъсирида бўлмасликка интилиш, маълум маънода худбинлик, ўзгалар манфаатини ҳисобга олмасдан ўз манфаатларини устувор қўйиш) хусусиятларининг яққол кучайиши билан намоён бўлмоқда.

Бу ҳолат ҳам ижобий, ҳам салбий жиҳатларга эга. Салбий жиҳати — бунда асрий баҳс — оталар ва болалар ўртасидаги зиддият чуқурлашади, болаларнинг катталар таъсиридан чиқиши кутилмаган ва баъзан мудҳиш оқибатларга олиб келади. Ижобий томони — болалар катталар, айниқса, ота-оналарнинг уларнинг ўз ҳуқуқларини суиистеъмол қилишларига йўл қўймайдилар. Албатта, Фарб билан Шарқ менталитети, қадриятлари ўзига хос фарқларга эга. Бироқ инсон ҳуқуқлари нуқтаи назаридан олганда, «Болаларнинг ўз ота-оналари, васий-ҳомийлари ва бошқа қонуний вакиллари билан низолашиш, "судлашиш" имкониятлари мавжудми?» деган савол туғилиши табиий. Умумий қоида бўйича мамлакатимизда бола ва ота-она ўртасидаги муносабатларни кузатиб бориш маҳалла, таълим муассасалари, кўниқўшни, участка милиция ноизи томонидан олиб борилади. Агар бу муносабатларда нормал табиий-инсоний мезонлар бузилса, биринчи галда юқоридаги субъектлар бонг уришади, бола ҳуқуқлари ҳимояси ҳақидаги масалани ваколатли давлат идоралари (суд, милиция, прокуратура) олдига қўйишади. Боланинг ўзи ҳам юқорида кўрсатилган шахсларга ва идораларга ҳимоя сўраб мурожаат қилишга ҳақлидир. Бироқ айтиш керак, халқимиз болажон халқ, ота-она учун фарзанд азиз, бола манфаатлари ҳамма нарсадан устун. Шу сабабли ота-оналарнинг ўз болаларини қаровсиз ташлаб қўйиши, уларга шафқатсиз муносабатда бўлиши ҳоллари бизда кам учрайди. Кўп ҳолларда ота-онанинг болани тергашини, назорат қилиши (масалан, худбин шахслар билан мулоқотда бўлмаслик, турли зиёфатларда қатнашишини тақиқлаш каби),

Қонун ва фуқаро

бола манфаатлари нуқтаи назаридан унинг ҳалол, эътиқодли, маънан етук инсон бўлиб камол топишини кўзлаб амалга ошириладиган ҳаракатларга гувоҳимиз.

Қонунга кўра, ҳар бир бола гайриқонуний кўчирилшдан ва чет элдан қайтарилмасликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эга. Бу ҳол халқаро ҳуқуқ нормаси билан ҳамроҳанг бўлиб, сўнгги пайтларда юз бераётган одам савдоси, айниқса, болалар савдоси билан боғлиқ халқаро жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган миллий профилактикадир.

Қонуннинг 15-моддасида боланинг ўз фикрини ифода этиш ҳуқуқи кафолатланади. Айниқса, бу ҳолат бизнинг маҳаллий шароитда жуда асқотади, деб ўйлаймиз. Кўпинча оилада баъзи масалалар кун тартибига қўйилиб, ҳал қилинаётган паллада ё отадан, ё онадан бола(лар)га бирмунча дағал, кўпол оҳангда "сен аралашма, ҳали ёшсан" қабиллидаги дашном берилиши бор гап. Бу ҳақда чуқурроқ ўйлаб кўрайлик-чи, бу билан нима демоқчимиз? Унинг руҳини синдирмаяп-мизми?

Қонуннинг яна бир катта мақсади — **тарбиявий, ахлоқий** жиҳат ҳисобга олинганидир. Бозор муносабатлари ҳаётимизнинг ғоятда тез ва шитоб билан ривожланишига, пировардида, ҳар бир киши каби болаларнинг ҳам ўз устиларида тинмай ишлаши, изланиши, тадбирли бўлишига туртки беради. Бугунги кунда болалар ҳам ўз интеллектуал салоҳиятини ўзи тасаруф қилиш, жисмоний имкониятларини намоён этиш имконига эга. Ёшларимизнинг жаҳон фан олимпиадалари ва халқаро спорт мусобақаларида совриндор бўлаётгани ҳақли равишда уларнинг ютуқларидир. Юртбошимиз таъкидлаганларидек, "Ҳар қандай миллатнинг раванқи, умумбашариёт тарихида тутган ўрни, мавқеи ва шухрати бевосита ўз фарзандларининг ақлий ва жисмоний етуқлигига боғлиқдир".

Дарвоқе, Қонунга 2009 йилнинг 25 декабрида киритилган (ЎРҚ-239) ўзгартиришда "**Болаларни ишга қабул қилишга ўн олти ёшдан йўл қўйилади**. Ун беш ёшдан ота-онасидан бирининг ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслардан бирининг ёзма розилиги билан болаларни меҳнатга тайёрлаш маъносидан мактаблар, коллежлар, лицейлар ўқувчиларини уларнинг соғлиғига ҳамда маънавий ва ахлоқий камол топишига зийн етказмайдиган, таълим жараёнини бузмайдиган ёнгиш ишни ўқишдан бўш вақтида бажариши учун ишга қабул қилишга йўл қўйилади..." деб белгилаб қўйилди.

Миродил БАРАТОВ, юридик фанлари доктори

Болалигимда Африка табиатининг ажойиб жонзотларидан бири — зебра суратини чизишни жуда яхши кўрардим. Энди расм чизиш сабоқларини ўзлаштираётган боғча боласи учун бундан осон иш борми? Энг қизиғи, зебраларни тасвирлаш учун биргина қора қаламнинг ўзи етарли эди. Фақат бу ҳайвоннинг ранги борасидаги катталарнинг саволига жавоб топа олмасдим.

Таъкидлаш жоизки, мазкур савол илм-фан аҳлини ҳам узоқ вақт мобайнида ўйланишга мажбур этган экан. Чиндан ҳам, ола-чипор бу отлар танасининг ранги аслида қандай? Бу саволга жавоб излаш орқали зебраларнинг яшаш тарзи ва табиатидаги уларнинг ўзигагина хос хусусиятлари ҳақида батафсил маълумотга эга бўлиш мумкин.

«АТЛАС ТЎН»ЛИ

ТАБИАТДА БЕТАКРОР

Ўзбекистон Миллий энциклопедиясида зебралар — бу Африка ёввойи отлари, отларнинг кенжа уруги, дея таъриф берилган. Кўриниши отга, баъзи турлариники эшакка ўхшаб кетувчи зебраларнинг яшаш тарзи ҳақиқатдан-да жуда қизиқ.

Анималс.ру сайтида берилган маълумотларга қараганда, қадимда нисбатан кенгроқ тарқалган ола отларнинг ҳозирги кунда 3та тури мавжуд. Аммо юз йиллар олдин Жанубий Африкада унинг тўртинчи тури — квагги ҳам яшагани маълум. Квагги бугун биз ҳайвонот боғларида кўрадиган зебрадан фарқли равишда сариқ-зарҳал тусда ва қорин қисми оқ рангда бўлган. Фақат боши, бўйни ва елкасида энсиз чизиклари бўлган. Табиат қўйнида кваггининг охириги вакили 1880 йилда кузатилган бўлса, дунё миқёсида энг сўнгисини одамлар 1883 йили Амстердамдаги ҳайвонот боғида томоша қилишган.

Унча катта бўлмаган ола-була отларнинг тана узунлиги 2-2,5, бўйи яғрини билан ҳисоблаганда 1-1,5 метрни ташкил қилган. Думининг узунлиги попуги билан ҳисоблаганда салкам ярим метрга, вазни 350 килограммгача етади.


Кўпчилик зебраларни фақат оқ ва қора рангли йўл-йўл чизикли деб тасаввур қилади. Лекин табиат мўъжизаси бўлган зебраларнинг очиқ кулранг тусли турлари ҳам учраб туради. Бу улар яшайдиган жойининг табиатида боғлиқ. Масалан, «Африка отлари»да кўндаланг қора ёки қорамтир-кўнғир чизиклар учрайди. Бу ранг тасвирларда ёрқин акс этгани билан саванналарда ҳайвоннинг борлиги билинмайди, танасининг ўзига хос туси уни гўёки атрофга сингдириб юборади. Яъни, «ола тўнлар» ўзига хос тарзда уларнинг ҳимояланишига хизмат қилади. Африка саванналарида зебраларга энг кўп хавф тугдирадиган шерлар ҳайвонлар пода бўлиб югурганда, уларни худуднинг умумий кўринишидан ажратиб ололмас экан. Битта зебра тўдадан алоҳида ажралиб, бошқа томонга қочсагина йиртқичлар уни пайқаш мумкин холос. Шунинг учун ҳам зебра терисининг ола рангини «ҳимоя туси» дейишади.

Умуман олганда, «эгарланмас отлар» (бу зебраларга берилган яна бир таъриф) унчалик ҳам катта бўлмаган тўда бўлиб яшайди. Миллий энциклопедияда берилишича, 10-30та зебралар очиқ даштларда подага бирлашиб юради. Айни пайтда уларни ёлғиз ҳолатда ҳам учра-

тиш мумкин. Катта тўдаларга бирлашиб яшаш зебралар ҳаёт тарзига хос бўлмаган жиҳат. Энг қизиғи, гоҳида уларнинг кийиклар билан пода бўлиб юрганини ҳам кузатса бўлади. Ёлғиз зебралар эса кўпинча жи-рафаларга ҳамроҳ бўлиб олади.

БАРМОҚ ИЗЛАРИ КАБИ ТАКРОРЛАНМАС

Ҳар бир зебрадаги йўл-йўл чизиклар ўзгача, аниқроқ айтганда, улар худди инсон бармоқ излари каби бир-бирига ўхшамас ва такрорланмас экан. Одатда зебра болалари ўз онасини айнан шу чизиклар орқали таниб олади. Улар отсимонлар оиласига киргани билан



югуриш ва чидамлилиқ борасида отлар билан тенглашолмайди.

Кузатувлардан зебраларни қўлга ўргатиш мумкинлиги аниқланган, лекин бу жараён катта сабр-тоқат талаб этади. Бунинг устига қўлга ўргангани билан уларнинг иш сифати от ва эшакка нисбатан анча паст. Шу боис зебраларни қўлга ўргатиш кенг жорий қилинмаган. Қолаверса, отларнинг бу тури ўта баджаҳл. Душманлардан ўзини орқа оёқларига қараганда кўпроқ олд оёқлари ва тишлари билан ҳимоя қилади.

Авваллари «Қора қитъа»нинг туб аҳолиси зебраларни гўшти ва териси учун овлаган. Чиройли тери ва ҳайвонларни овлашда деярли қийинчилик бўлмаслиги Европадаги сон-саноксиз ҳаваскор ва профессионал овчиларни жалб қилган тарихий манбаларда ҳам акс этган. Оқибатда, жониворларнинг оммавий равишда қирилиб кетиши кузатилди. Зебраларнинг квагги каби тури эса умуман йўқ бўлиб кетган, бошқаларини фақат кўриқхоналарда учратиш мумкин. Шу нуқтаи назардан,



ёввойи табиатни ҳимоя қилиш фонди ташаббуси билан зебраларни овлаш бугунга келиб тақиқланди.

МОСЛАШУВЧАНЛИК БАРЧА ТУРЛАРГА ХОС

Ҳайвонот боғларида зебраларнинг мунтазам кўпайиши ва мўътадил иқлимга тез ўрганиши уларнинг мослашувчанлигидан дарак беради. Аскания-Нова кўриқхонаси даштларида ҳам зебраларнинг 3та тури табиат қўйнида умргузаронлик қилаётганини кўриш мумкин (анималс.ру манбаси).

Улардан биринчиси «тоғ зебраси» (*Equus zebra*) номини олган. Қолганларига қараганда танаси ан-

ларида баъзан саванна ёки Бурчеллов зебраларининг пода бўлиб юрганини кўриш мумкин. Айни кунда дашт зебралари 15 минг бошни ташкил қилади ва ушбу нодир тур ҳам кўриқхоналарда алоҳида ҳимояга олинган.

«Эгарланмас отлар»нинг учинчи тури саванна ёки Бурчеллов зебраси деб аталади. Саванна зебралари анча кенг тарқалган тур бўлиб, қолганлари орасида бўйнидаги йўл-йўл чизиклари оёқлариникига қараганда кўпроқ экани билан яққол кўзга ташланади. Бурчеллов зебраси Шарқий ва Марказий Африкада тарқалган, боласининг елкасидан думигача тик ва тўқ қизил туклари бўлади.

Турларнинг барчасига хос бўлган хусусиятлардан бири сувлоқ ва яйловларда ўтлаб юрган подага кекса «она зебра» бошчилик қилишидир. Пода бошида кетаётган йўл бошловчи зебрага биринчи бўлиб урғочилар ўз болалари билан эргашади, сафни айғир зебралар тугатади. Кузатувларга кўра, дам олиш ва озикланиш вақтида бирга бўлганига қарамай, зебралар ўз подасини бошқалардан ҳимоя қилмас экан. Тўда таркиби ҳам йил давомида ўзгаради, турли ҳайвонлар аралашади. Юқорида айтиб ўтилганидек, улар бошқа жонзотлар билан ҳам тўда ҳосил қилиши мумкин.


РАНГИ ОҚМИ ЁКИ ҚОРА?

Бугунга келиб, «зебра» сўзи атама сифатида луғат бойлигимиздан ҳам ўрин эгаллагани сир эмас. Ола, йўл-йўл чизикли буюмлар, жиҳозларни таърифлашда кўпинча осонлик билан бу сўзга мурожаат этамиз. Шу ўринда юқорида қўйилган ва аксарият одамларда қизиқиш uyg'отган саволга яна қайтсак. Хўш, зебралар танаси оқ рангдами ёки қора? Мутахассислар ўтказган сўровлардан кўпчилик зебра оқ от бўлиб, унинг танасидаги чизиклар ранги қора, деган фикрда экани маълум бўлди. Аммо, энг қизиқ жиҳати шундаки, биолог олимлар зебрага аксинча оқ йўл-йўл чизикли қора от таърифини беришади. Яъни, унинг ранги қора, йўл-йўл чизиклари эса оқ, деб ҳисобланади. Айни пайтда мазкур масалада ҳалигача бирон-бир тўлиқ ҳулосага келинмаган. Чунки унинг ранги оқ ҳам, қора ҳам эмас, ола дейдиганлар ҳам бор. Мазкур ҳолат эса «атлас тўнли» Африка отлари ва уларнинг ўзига хос туси ҳали-ҳамон одамлар эътиборини тортишидан далолат беради.

Санобар ЖУМАНОВА
тайёрлади.

ИНСОН АКС ЭТГАН ИЛК СУРАТ

Рочестер университети мутахассислари ва илмий ходимларининг уч йиллик меҳнат маҳсули фотосурат ва фильмлар халқаро музейида намойиш этилди. Аниқроғи, Чарлз Фонтейт ва Уилям Поттер томонидан 1848 йили олинган дагерротипларнинг сканерланган рақамли шакллари кенг омма эътиборига тақдим қилинди. Суратларда эса Огайо дарёси ёқасида жойлашган Цинцинати шаҳри манзараси акс этган. Бу ҳақида «Вайред» манба-сида маълум қилинди.



Дагерротип — бу 1838 йили Луи Даггер томонидан ишлаб чиқилган метод бўйича тасвирга олинган суратлар.


Олимларни ҳайратга солган жиҳат шуки, дагерротиплардаги тасвир жуда тиниқ бўлиб, унда ҳаттоки майда нарсалар ҳам аниқ кўринган. Қиёслаш учун айтиш мумкинки, ҳозирда фойдаланишда бўлган фотокамералар шундай аниқликда суратга олиши учун уларга 140 мегапикселга тенг матрица ўрнатилиши талаб этиларди. Дагерротипларни рақамли шаклга ўтказишда махсус микроскопдан фойдаланилган. Шундан сўнг уч йил давомида уларни реконструкция қилиш ва рақамли шаклини сайқаллаш ишлари олиб борилган.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, ушбу дагерротиплар шаҳар манзараси ва инсон сурати олинган илк тарихий тасвирлардан бири экан. Бундай суратнинг энг биринчиси эса 1838 йили Луи Даггер томонидан олинган.

УЗАРО АЛОҚА УРНАТИЛАДИ(МИ?)

Орегон оптика маркази (АҚШ) физик олими Майкл Реймер ва унинг Бат университети (Буюк Британия)даги ҳамкасблари мураккаб тажриба ўтказдилар. Аниқроғи, улар бир фотонли тўлқин узунлигини ўзгартиришни муваффақиятли амалга оширишди. Мазкур тадқиқот истиқболда ўта юқори ҳисоблаш қувватига эга квант компьютерлари ўртасида ҳозирда фойдаланиладиган оптик тизимлар орқали маълумотлар алмашинувига имкон туғдиради. Мавзуга бағишланган материал pkj.ru электрон саҳифасида эълон қилинди.

Оптик тизимларда маълумотлар телефон, телетармоқ, интернет воситасида электр магнитли тўлқин импульслари орқали турли каналлар бўйича тарқалади. Фақат жараёнда ҳар бир канал ўзининг тўлқин узунлиги билан фарқланади. Ҳозирда мавжуд рақамли ускуналарда маълумотлар битлар асосида тузилади, ахборот узатишда эса 1 бит инфрақизил кўламдаги фотонлар мажмуи билан ҳисобланади.



Янги авлод компьютерлари дея юритилаётган квант компьютерларида эса 1 бит маълумот оптик кўламдаги бир фотон ёрдамида узатилади. Мутахассисларнинг таъкидлашича, мазкур технология ҳисоблаш машинаси амаллари тезлигини кескин равишда ошириб, тармоқларни ҳакерлар ҳужумидан ҳимоя қилади. Лекин квант компьютерларини яратиш қанчалик долзарб бўлса, улар ўртасида маълумотлар алмашинувини йўлга қўйиш ҳам шунчалик аҳамиятли.

— Бутун дунёдаги тармоқларни бирлаштирган оптик тизимлар инфрақизил кўлам (диапазон) ишлашга мослаштирилган, — деди Майкл Реймер. — Шу сабаб оптик кўламда улар ёрдамида сигнал узатишда тўсиқ пайдо бўлиб, бу янги ишланмада ўзаро ахборот алмашинувишга халал беради. Уни бартараф этиш учун зарур пайтда нур(сигнал)ни оптик тизимга мос равишда инфрақизил турдагисига айлантириш талаб этилади. Бунга эса ёруғлик бирлиги фотон энергиясини ўзгартириш орқали эришилади. Натижада, фотон тўлқини узунлиги ҳам ўзгаради.

Фотон тўлқинини ўзгартириш орқали тадқиқотчилар зарур масофани белгилаб, оптик тизимларга мос ахборот каналини яратиш имконига эга бўлади. Шу сабабли, олимлар мазкур тажрибани квант компьютерлари ўртасида ахборот алмашиш йўлида олдинга ташланган қадам сифатида қабул қилишмоқда.

ҚАНЧА УХЛАШ КЕРАК?

Калифорния университети олимлари томонидан аёлларнинг узоқ умр кўриши билан боғлиқ янги маълумотлар кўлга киритилди. Жараёнда улар 14 йиллик маълумотларни таҳлил этишган. «Вашингтон Пост» газетасида баён этилишича, яқинда 5-6,5 соат ухлайдиган аёллар бошқаларга нисбатан узоқ умр кўриши белгиланди. Шу билан бирга, 4 соат уйку улар учун кам, 7 соат эса ортиқча экани ҳам қайд этилди.

Бу борадаги илк тадқиқотлар 1995-1999 йиллар оралиғида ўтказилган. Ўша пайтда тажрибага 50-81 ёшли 500 нафарга яқин кўнгиллилар жалб этилганди. Жараёнда мутахассислар иштирокчиларнинг соғлиги ва уйқусини мунтазам кузатиб борган. Уларнинг ўз олдига қўйган мақсади уйқунинг давомийлиги билан узоқ умр кўриш ўртасидаги боғлиқликни аниқлашдан иборат эди.



Орадан шунча вақт ўтгандан сўнг тадқиқот қайта ташкил этилди. Шунда ўша дастлабки тажрибада қатнашганларнинг 80 нафардан ортиғи ҳаёт эмаслиги аниқланди. Олимларнинг таъкидлашича, улардан бир неча нафаригина бахтсиз ҳодиса сабаб ҳаётдан кўз юмган экан.

— Илгари 6,5—7,5 соат ухлаш узоқ умр кўришнинг омилларидан бири сифа-



тида кўрсатиларди, — деди тадқиқот раҳбари, тиббиёт фанлари доктори Ф. Крипк. — Лекин мазкур кўрсаткичлар сўровнома орқали олинган маълумотларга таянган ҳолда белгиланган.


Профессор Ф. Крипк ва унинг ҳамкасблари ўтказган тадқиқотда эса билаларга махсус ускуналар уланиб, улар ёрдамида уйку фазалари тезлиги ва давомийлиги қайд этиб борилган. Натижалар эса мутахассислар учун қутилмаган бўлди. Негаки, нисбатан чуқурроқ, яъни махсус асбоблар ёрдамида ўрганилганда, кунига 6,5 соатдан ортиқ, айти пайтда 5 соатдан кам ухламайдиган аёлларнинг узоқ умр кўриш эҳтимоли баландлиги аниқланди.

ҚАХРАБО КАШФИЁТЛАРГА САБАБ

Бундан бир неча муддат аввал Ҳиндистоннинг Гужорат штати худудидаги Камбей кўрфази яқинида улкан қахрабо кони аниқланганди. Шу кунларда бу ердаги улкан ҳажмдаги қахрабода 700дан ортиқ қадимий ҳашаротларнинг фанга номаълум турлари топилди. Айти кунларда топилгани немис, ҳинд ва океанортилик халқаро тадқиқотчилар гуруҳи ўрганмоқда, дейилади «Нейчэ» илмий журналида.

Тадқиқот раҳбари Бонн университети профессори Йенс Рустнинг сўзларига қараганда, ҳозирча бир неча тонналик мазкур қахрабонинг атиги 150 килограмми ўрганилди, холос. Шунга қарамай, у қатор муҳим кашфиётларга замин яратди.

— Илмий назарияларга кўра, ўтмишда Ер юзасида 2 улкан қитъа бўлиб, шимолдагиси Лавразия, жанубий қисмдаги эса Гондвана дея аталган, — дея таъкидлайди Йенс Руст. — Бундан тахминан 160 миллион йил илгари жанубий қитъа бир неча қисмга ажралиб, уларнинг аксарияти шимоллий томонга қараб йилига 15-25 сантиметр силжий бошлаган. Натижада, тахминан 100 миллион йил илгари ҳозирги Ҳинд субконтиненти Осиё қитъасига бирлашган.



Мутахассиснинг айтишича, аслида тропик иқлим қадимий майда ҳашарот ва ўсимликлар қолдиқлари сақланиб қолиши учун мақбул эмас. Шунинг учун ҳам топилма илмий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга. Бунинг устига Камбей қахрабосида турдошлари дунёнинг бошқа бурчаклари — Осиё, Австралия ва ҳаттоки Жанубий Америкада ҳам учрайдиган кўплаб ҳашарот қолдиқлари бор.


Профессор Йенс Руст мазкур ҳолатни Ҳиндистон ва бошқа улкан қуруқликлар ўртасида географик бўйинлар борлиги билан изоҳлайди. Бўйин вазифасини оролар туркумлари ҳам бажаргани бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Шунингдек, қахрабода топилган баъзи ҳашаротлар фақат маълум даврдагина қанотларга эга бўлганини олимлар аниқлашган. Аммо шу даврнинг ўзи улар учун оролар ўртасидаги километрлаб масофани босиб ўтиш учун етарли бўлган экан. Ўсимликлар эса океан оқимлари билан биргаликда ҳаракатланган, деган илмий фаразлар бор.

Қахрабонинг ўзи ҳозирда Жануби-Шарқий Осиёда учрайдиган япроқли турдаги дарахтларнинг қотиб қолган елими (шира)дан ҳосил бўлган. Унда сақланиб қолган ёғоч намуналари мазкур худуддаги тропик ўрмонлар 20-25 миллион йил илгари пайдо бўлган, деган фикрни инкор этишга тurtки бўлди. Сўнгги тахминларга кўра, бу ўрмонлар 60 миллион йил илгари вужудга келган.

Лекин энг қизиқ кашфиёт шундаки, қахрабода илм-фан учун батамом янги кўплаб ҳашарот турлари сақланиб қолган. Ҳозирча уларнинг «ёши» 52 миллион йил, дея тахмин қилинмоқда.

ДЕЯРЛИ БУТУН САҚЛАНГАН

Хитой жанубидаги Юннан провинциясида қадимги динозавр турларидан бири — зауропод оиласи вакилининг деярли бутун устихони 2005 йилда топилганди. Техас технологик университети тадқиқотчиси Санкар Чаттержи ўша даврдан бери топилганини ўрганиб, шу кунларда хитойлик ҳамкасблари билан биргаликда мавзуга бағишланган маърузасини АҚШ геология жамиятининг йиллик мажлисида тақдим этди, деб ёзади «Нейчэ биосайнс» нашри.



Илмий манбаларга южоуаурус сунаэ (Yizhousaurus sunae) номи билан киритилган мазкур жонзот тахминан 200 миллион йил илгари — Юра даврида яшаган. Зауроподлар оиласига кирувчи ҳайвон узун бўйи ва мустаҳкам суяклар тизимига эга бўлган, тўрт оёқлаб ҳаракатланган. Унинг танаси узунлиги 9 метрга тенг бўлган экан.

Тадқиқотчи Санкар Чаттержи сўзларига кўра, динозаврнинг бош қисми суяклари олимларда энг катта қизиқиш уйғотмоқда. Негаки, бу турдаги ҳайвонлар бош суяклари йирик ва мустаҳкам бўлмай, улар фақат 10 фоиз ҳолатларда яхши сақланиб қолар экан.

Охириги тадқиқотларга кўра эволюция жараёнида зауроподлар оиласига мансуб динозаврлар тана тузилиши, хусусан, жағ қисмидаги ўзгаришлар туфайли ўтхўр ҳайвонларга айланган.

Наргиза РУСТАМБЕКОВА тайёрлади.

2008 йили 1-Тошкент педагогика коллежи томонидан Пўлатова Нигора Абдусатторовна номига берилган К № 0085984 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

А.Авлоний номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва ма-лакасини ошириш Марказий институти жамоаси «Иқтисодий ва ҳуқуқий билим асослари» кафедраси доценти

Ақром УМАРОВнинг

вафоти муносабати унинг оила аъзолари ва яқинларига таъзия билдиради.

ЎЗБЕК НИМА ДЕЙДИ?

(Давоми.)

Боши ўтган сонларда.)

Яқин масофа ҳақида:

— Кўл узатсанг, етади...

Хайрлашганда:

— Кўринмай кетманглар. Меҳр кўзда. Қариндошдан кўл узманглар...

Кутган одами пайдо бўлганда:

— Кўз ўнгимдан ўтиб тургандинг(из)...

Йўқлаб тухфа, буюм, пул берилганда:

— Илоҳим, бирингга мингни берсин. Топган-тутганингнинг баракасини берсин. Тупроқ олсанг, олтин бўлсин...

Харид сифатсиз чиққанда:

— Арзоннинг шўрваси татимас...

Чойда шама тик турганда:

— Меҳмон келаётир...

Туз ё қалампир узатганда:

— Ерга кўй, кўлга берма, уришиб қолмайлик...

Ош устида келган одамга:

— Қайнонангиз яхши кўрар (суяр) экан.

— Яхши кўрмаса(суймаса), қизини берармиди...

Ёш йигит-қизни ишга солганда:

— Қари келса — ошга, ёш келса — ишга. Айбга буюрмайсизлар...

Дангаса "доно"га:

— Дангасага иш буюрсанг, отангдан яхши ақл ўргатади...

Қарздорга:

— Насияни ўғри чиқарган...

Савдогарга:

— Инсоф сари барака...

Муттаҳамга:

— Бўйнида иллоти борнинг тиззаси қалтирар...

Ношукур бандга:

— Шукур қил. Еганинг олдинда, емаганинг орқангда. Бола-чақанг соғ-омон, тўрт мучанг саломат. Бундан ортиқ нима керак сенга?! Ношукур бўлма. Ношукурлик Худога хуш келмайди...

Уқувсиз шогирдга:

— Уста кўрмаган шогирд ҳар мақомга йўргалар...

Кўчиш, жой алмаштиришда:

— Камбағал бўлсанг — кўчиб кўр...

Бадавлатнинг иши ўртаҳолга тушганда:

— Минг кўйлининг иши бир кўйлига тушибди...

Кулфатга рўпара келганда:

— Бошимизда бу савдолар ҳам бор экан-да. Нима қиламиз — бошга тушганни кўз кўрар...

Игвогарлик билан жанжал бошлаганга:

— Кўрққан олдин мушт кўтарар...

Ajdodlar odobi

Умр давомийлиги ҳақида:

— Мен боламни дерман, болам боласини дер...

Бировга аччиқ қилиб, қасд этган одамга:

— Бургага аччиқ қилиб, кўрпани куйдирма...

Ўз ҳаддини билмаган одамга:

— Кўрпангга қараб оёқ узат...

Улгурулмаи ташвиш чекканга:

— Ҳар ишнинг ўз вақти-соати бор...

Ноўрин шубҳа-гумон туғилганга:

— Гумон — имондан айирар...

Маҳмуд САТТОР

(Давоми бор.)

Ёшлар — келажагимиз пойдевори. Шундай экан, уларнинг баркамол вояга етиши, ҳаётда қоқилмасдан униб-ўсишига ҳисса қўшиш ҳам фарз, ҳам қарзимиздир. Айниқса, болаларнинг жисмонан соғлом улғайиши жуда муҳим. Ўсмирлар ривожланишига эътибор қаратмоқ зарур. Ўсиш бола организмнинг асосий биологик жараёни ҳисобланади. У болалик даврига хос бўлиб, тана вазни ва шаклининг ўзгаришларини, организмнинг физиологик фаолиятини ва унинг балоғатга етиш давридаги ўзгаришларини ўз ичига олади. Ўсмирлик инсоннинг болаликдан ёшликка ўтувчи ва ўз навбатида бошқа даврлардан ўзининг нисбатан кескинроқ, мураккаброқ кечishi билан фарқлиб турадиган, инсон онтогенетик ривожланишининг энг ўзгарувчан фасли ҳисобланади. Бу давр шифокорлар тилида «ўтиш даври», «мураккаб давр» деб юритилиб, тахминан 11-12 ёшларда бошланади. Ўсмирлик даври қизларда йигитларга нисбатан 1-2 йил аввалроқ кузатилади.

Ўсиш микдорий жараён бўлиб, бунда бўй ва тананинг вазни ошади, улғайиш эса ҳужайра, тўқима ва органларнинг ўзига хос сифатий ўзгаришларини кўрсатади. Ўсиш ва улғайиш ўзаро бир-бирига боғлиқ, бир-бирига ҳамоҳанг бўлса-да, бир хил жараён эмас.

БАЛОҒАТ БЕКАТИДА

Ўсмирларнинг балоғат давридаги мураккабликлар психологик, физиологик, ижтимоий омиллар билан боғлиқдир. Балоғат ёшида наслий ва хромосом аномалия, алкоголь, юқумли касалликлар, вируслар, ўсма ва бошқа омиллар болаларнинг ўсиш жараёнида салбий ўзгаришларга сабаб бўлади. Ташқи муҳит шароитлари ва асосан озиқ моддаларнинг етишмаслиги ҳам бу жараёнга ўз «ҳисса»сини қўшади. Ўсмир ҳаётида, унинг руҳиятида, организмнинг физиологик ва ижтимоий ҳолатида қутилмаган ўзгаришлар содир бўлиши табиий. Баъзан уларда бир-бирига қарама-қарши бўлган турли хил вазиятлар кузатилади. Бу даврга келиб, бола энди «бола» эмас, шу билан бирга «катта» ҳам эмасдек ҳолатда юради.

Балоғат ёшидаги ўғил-қиз организмнинг ўсиши ва улғайиш жараёнида, асосан, эндокрин система ва унга боғлиқ бўлган суяк-тоғай системаси иштирок этади. Бундан ташқари, тўғри ва режали овқатланиш, овқат таркибида керакли оқсил, углевод, ёғ, минерал моддалар ва витаминларнинг мавжудлиги ҳам алоҳида ўринга эга.

Агар одатда, янги туғилган ўғил боланинг ўртача тана

юқори мезонига кўтарилади.

Балоғат ёшига етган йигит-қизларнинг ўз-ўзига, атрофдагиларга нисбатан муносабатлари, феъл-атвори бутунлай ўзгаради. Уларнинг қизиқишлари, дунёқарашлари қайтадан шаклланади, ўзлигини англаши, ўз-ўзини баҳолаши, анча ўзгаради. Юқорида айтилганлар боланинг туғилишидан олдинги, эмизикли ва балоғат даврлари организмнинг соғлом бўлишида энг нозик давр ҳисобланади.

Жинсий балоғатга етиш ва жисмоний ривожланишдаги ўсиш ўсмир руҳиятида янги психологик тузилишларнинг юзага келишида муҳим аҳамиятга эга. Биринчидан, бу ўсмир учун жуда сезиларли ўзгаришлар бўлиб, улар ўсмирнинг катта бўлганини ҳис қилишининг объектив манбаи сифатида

ясида ўзига хос из

қолдиради. Шу билан бирга қизларда ўзининг ташқи кўринишига эътибор бериш, пардоз-андоз қилиш, юзига чиққан хуснбузарларни нима қилиб бўлса ҳам йўқотиш, қомати хушбичим бўлишга интилиш кучайиб, бутун фикр-хаёлини чулғаб олади. Бундай даврда ёшлар ўртасида «биринчи муҳаббат» меъерий ҳол ҳисобланади ва у ўсмирлар хотирасига бутун умр ўрнашиб қолади.

ЎСМИР ТАНАСИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

Бола ривожланишининг айнан шу даврда биологик, физиологик етуқлиги борасида кучли ўзгаришлар амалга ошади. Организмдаги ўзгаришлар бевосита ўсмир эндокрин системасининг ўзгариши билан

ЎСПИРИНЛИК — НОЗИК ДАВР

оғирлиги 3,0-3,5 кг., қиз боланинг оғирлиги эса 2,8-3,3 кг. бўлса, бола вазни 6 ойлигида икки марта ва бир ёшга етганда уч баробар ошиши керак. Албатта, туғилган боланинг вазни баъзан ўзгариши ҳам мумкин. Бир ёшдан сўнг вазнининг ошиши секинлашади ва бир ойда 150-300 граммгача қўшилади.

Бўй ўсиши ва унинг қонуниятлари яхши ўрганилган. Масалан, боланинг бўйига 6 ойликгача 16-17 см. 6 ойдан 1 ёшгача — 8 см., 1дан 2 ёшгача — 10-11 см. қўшилади, 2дан 5 ёшгача 6 см., 5 ёшдан балоғат ёшигача бўлган даврда унинг бўйига ҳар йили 5-6 см. қўшилади. Балоғат ёшида эса бўй ўсиши янада ортади: ўғил болаларда ўрта ҳисобда 9,5 см., қизларда — 8 см.гача. Аммо бу даврда бўйнинг зўр бериб ўсиши қизларда тахминан 2 йил олдин (12 ёшларда) бошланади, ўғил болаларда эса кечроқ — 14 ёшларда энг

қаралади. Бу ёшда йигит ва қиз бола ўздан кичикларга бошқача, катталик руҳи билан қарай бошлайди. Иккинчидан, жинсий балоғатга етиш янги кечинма, ҳиссиёт, туйғуларни вужудга келтиради. Ушбу даврда йигит-қизларнинг бир-бирига хат ёзиши, дўст тутиниши, яқин бўлиши кузатилади. Дўст тутинган икки ёш узоқ вақт ширин хаёлларга берилади.

Шу даврда ўсмир йигит-қиз боланинг фикрини билишга қизиқади, унда ўзини қаҳрамон қилиб кўрсатиш ҳиссиётлари пайдо бўлади. Бундай ҳолатларда бола учун оиладаги муҳит, олган ахлоқий тарбияси, маънавияти катта аҳамият касб этади. Ўсмир шахсининг шаклланишида мактабдаги шароит, у ердаги ёзилган-ёзилмаган қоидалар ҳам муҳим рол ўйнайди. Шунини айтиш керакки, ўсмирларнинг маънавий камолотига салбий таъсир кўрсатувчи кинолар кўриши, китоблар ўқиши унинг тарби-

кечади. Бу даврда ички секреция, яъни эндокрин безларининг бири ҳисобланмиш гипофиз безининг функцияси фаоллашади.

Жинсий балоғатга етиш даври жинсий органларнинг ривожланиши ва иккиламчи жинсий белгиларнинг пайдо бўлиши билан белгиланади. Кўпинча ўсмир йигитнинг тана тузилиши ўз отасиникига ўхшаб кетиши табиийдир.

Бу жараён қиз болаларда 13-15 ёшларда нисбатан жадал кечади. Кўкрак безининг катталаниши, тана тузилишининг ўзгариши, ҳайз кўриш ҳоллари балоғатга етаётган қизни руҳан ўзгарттиради. Она ўз қизига бундай ҳолатлар рўй беришини тўғри тушуштириши лозим.

Бу даврда гипофиз гормонининг таъсирида бўйнинг ўсиши, вазнининг ортиши, кўкрак қафасининг кенгайиши — буларнинг барчаси жисмоний ривожланишининг ўсмирлик ёшига хос хусусиятларидир.

Mutaxassis minbari

Новчалик — ўсишнинг ёшга ва жинсга нисбатан номувофиқ равишда меъёрдан четга чиқадиган даражада зўрайишидир. Касаллик аксари вояга етиш даврида ривожланади. Баъзан ота-оналар фарзандининг ёки ўсмирнинг ўзи бўйининг ўсиб кетаётганидан нолийди. Бу конституционал новчалик ёки ўспиринлик давридаги тез ўсишдир. Унинг сабаби чуқурроқ ўрганилса, боланинг отаси, онаси ёки қариндошларининг новчалиги, яъни бу ирсиятдан келиб чиққанлиги, боланинг эса соппа-соғлиги аён бўлади.

Бунинг тескариси — паканалик жисмоний ўсишда орқада қолиш демакдир. Агар бу касалликнинг гипофизар сабаби бўлса, боланинг туғилганида бўй ва вазни нормал бўлади, 3-5 ёшдан кейин эса ўсишда ўз тенгқурларидан орқада қола бошлайди.

Ўсмирлик чоғида умуртқа поғонасининг ўсиши бўйнинг ўсиш суръатидан орқада қолади. Чунки 14 ёшгача умуртқа поғоналари ўртасидаги ораликлар тоғайлар билан тўлган бўлади. Умуртқа ривожланиши бузилишининг энг кўп ҳолати 11-16 ёшларга тўғри келади ва айна даврда рўй бериши мумкин бўлган нуқсонларни бартараф этиш осон кечади. Балоғат ёшидан ўтган ўсмирнинг бўй ўсиши охириги илмий изланишлар натижасига қараб, 25 ёшгача давом этиши мумкин экан.

Балоғат давридаги ўсмирлар, албатта, тўйимли, оқсил ва витаминларга бой овқатлар тановвул қилишлари керак. Тиббиёт муассасаларида, мактабларда балоғатга етган йигит ва қизларнинг бўйи ва тана оғирлиги ўлчаб борилиши мақсадга мувофиқ. Агарда текшириш вақтида ўспириннинг ўсиши (бўйи, вазни) ва улғайишида номувофиқ ўзгариш сезилса, албатта, уни эндокринологга кўрсатиш ва маслаҳат олиш зарур.

Тоҳир ИБРОҲИМОВ,
тиббиёт фанлари доктори,
профессор

ЎСМИРЛАРИМИЗ — ФИНАЛДА!



AFC
U-16
CHAMPIONSHIP



У ЭНДИ «МАЛАГА»НИ БОШҚАРАДИ

Испаниянинг «Реал» футбол клуби собиқ бош мураббийи Мануэль Пеллегрини «қироллик клуби»дан кетгач, бироз муддат ишсиз қолди. Энди эса «Малага» жамоасидан тушган таклифга биноан у ўз фаолиятини давом эттириш арафасида.



Маълумки, «Малага» жамоаси мавсум арафасида иқтисодий инқирозга учраб, сезиларли даражада кучсизланиб қолганди. Етакчи ўйинчилар молиявий тақчиллик туфайли клубни бирма-бир тарк этишди.

Шундай бўлса-да, клуб раҳбарияти жамоани премьерода сақлаб қолиш учун курашди. 57 ёшли мутахассиснинг зиммасида ҳозирда турнир жадвалида 18-ўринда бораётган жамоани «ҳалокат жари»дан қутқариш вазифаси турибди.

АНАНД ЯНА ПЕШҚАДАМ

Ҳиндистонлик машхур гроссмейстер Вишванатан Ананд бироз танаффусдан кейин яна ўз ўрнини эгаллади. Унинг номи Халқаро шахмат федерацияси (ФИДЕ)нинг ноябрь ойи рейтингига кўра, биринчи ўринда кўрсатилди.

Икки ой аввал бу поғонада норвегиялик ёш вундеркинд шахматчи Магнус Карлсен қайд этилганди. Лекин Бильбаода ўтказилган мавсумнинг ҳал қилувчи аҳамиятга эга супертурнирида россиялик шахматчи Владимир Крамник мулаққат устунлиққа эришганди, Ананд эса норвегиялик шахматчидан кўра яхшироқ натижага эришди. Ҳозирда ҳиндистонлик гроссмейстер ҳисобида 2804 очко, Карлсенда эса 2802 очко бор.

Кучли учликни арманистонлик шахматчи Левон Аронян (2801 очко) яқунлаб беради. Шунингдек, 2791 очко билан Владимир Крамник кучлилар рўйхатининг тўртинчи поғонасини эгаллади.

ЧОРАК ФИНАЛ ОСТОНАСИДА

Дунёнинг 2-рақамли ракеткачиси Рожер Федерер Базелда ўтказилаётган теннис турнирининг иккинчи босқичини Янко Типсаревич устидан зафар кучиб, муваффақиятли яқунлади ва кейинги турга ўтди.



Ушбу биринчиликнинг биринчи рақамли ракеткачиси сифатида рўйхатга олинган Федерер ўз рақибини икки сет натижасига кўра, 6:3, 6:4 ҳисобида доғда қолдирди. Муро-сасиз курашларга бой ўтган матч 1 соат давом этди.

Кейинги учрашув — чорак финал баҳсида Федерер колумбиялик тажрибали теннисчи Сантьяго Жиральдо ҳамда чехиялик Радек Штепаненко ўртасида кечган баҳс ғолибига қарши кортта тушади.

Шу ўринда эслатиб ўтамиз, Базел очик чемпионатининг умумий ютуқ жамғармаси 1 миллион 755 минг еврога ташкил этади.

БРИГГС ЖУМБОҒИНИНГ ЕЧИМИ

Ўз ватандоши Дэнни Грин билан IBO таснифи бўйича жаҳон чемпионлиги камари учун ўтказилган жангнинг 27-сониясида нокаутга учраган австралиялик боксчи Пол Бриггс давлат прокуратурасига 75 минг доллар миқдорда жарима тўлашга мажбур.

Грин ва Бриггс иштирокидаги жанг Австралиянинг Перте шаҳрида ўтказилганди. Жанг аввалидаёқ Грин чап қўли билан тўғридан-тўғри зарба бериб, Бриггснинг йиқити ва у ҳисоб сўнгигача ўрнидан тура олмайди.



Бу кўпчиликка жумбоқли бўлиб туолганди. Бриггс атайин ютқазиб берди, деган гаплар кўпайиб кетганди. Бунга асосий сабаб қилиб, Грин агар 1-раунддаёқ зафар кучса, рақибига бир неча юз минг доллар миқдорда пул беришни ваъда қилгани айтилаётганди.

Тергов ишлари натижасида Бриггснинг соғлиғи талаб даражасида бўлмагани ва бунинг устига у тайёргарликсиз рингга чиққани аён бўлди.

Шаҳина НАРЗУЛЛАЕВА тайёрлади.

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Энди ярим финал учрашуви тафсилотига тўхталсак. Хабарингиз бор, Австралия терма жамоаси ярим финалда БААга қарши тўп суриб, мураккаб вазиятдан чиқиб кетишга ва алал-оқибат зафар кучишга ҳам сазовор бўлганди. Бизнинг ўсмирлар ҳам сурияликларга қарши ирода ва жасорат намуналарини кўрсатганди.

Асосан Европа футболлари стандартлари асосида тарбияланган «яшил қитъа» вакиллари юртдошларимизга етарлича ташвиш туғдириши кутилаётганди. Шу боис, Алексей Евстафеев шогирдлари бош ҳакамнинг старт ҳуштаги чалиниши билан тезкор гол уришга интилганини тўғри қабул қилиш мумкин.

Одатда австралияликларнинг асосий терма жамоаси ҳам

шундай масъулиятли матчларда дастлаб рақибни ўрганишни афзал кўради, сўнгра ўз услубида энгишга ҳаракат қилади. Сарик либосли ўсмирлар терма жамоаси азалий қоидага қарши чиқолмаслиги кундек равшан эди. Буни яхши пайқаган Евстафеев тактика танлашда янглишмади. Футболчиларимизнинг шиддатли ҳужумлари тобора хавфли кўриниш олди ва ниҳоят рақибнинг асабийлашиб, кўполлик ишлатишига сабаб бўлди.

Жамоа сардори мана шундай вазиятларда ўзини кўрсатиши керак. 6-рақамда ҳаракатланаётган Аббос Мақсудалиев буни ўйиннинг 16-дақиқасида аниқ тарзда амалга оширган чиройли жарима тўпи орқали асослади. Гол! Ҳисоб очилди ва бу ҳолат вакилларимизга кўшимча куч-қувват бағишлади. Улар гоҳ авст-

ралияликлар жарима майдончаси яқинида, гоҳ улар орасида бирин-кетин хавфли вазиятлар содир этишга киришиб кетди.

Австралияликларнинг камёб ҳужумларидан бири ҳимоячидан томонидан бартираф этилди. Бироқ рақибларимиз 44-дақиқада бурчак тўпидан ҳам гол уриш мумкинлигини кўрсатиб қўйди. Самуэл Жон Чаппл Осие чемпионатидаги энг чиройли голлардан бирига муаллифлик қилди. Ҳисоб тенглашди — 1:1.

Иккинчи тайм ҳам юртдошларимизнинг устунлиги билан давом этди. Австралия ўсмирлар терма жамоаси, асосан, қарши ҳужум тактикасига таянган ҳолда ҳимоявий ўйин кўрсатди. Футболда финалга чиқишга бўлган иштиёқ қайси жамоада юқори бўлса, у албатта, мақсадига эришади. Ўзбекистон-

лик футболчиларнинг ўйин сўнгида тинимсиз ҳужумлар туфайли бироз толиқиб қолгани сезилди. Шунга қарамай, иродали ўйин намойиш этишди. Иккинчи таймнинг 90-дақиқасида ўнг қанотдан берилган кучли зарбани қайтариш чоғида австралиялик дарвозабон Пол Давид Иззо коптукни қўлидан чиқариб юборди ва тутиб олишга кечикди. Шу дамда жарима майдончаси ичида ҳозир но-зир бўлган А.Мақсудалиев тўпни осонгина дарвоза тўрига жойлаб қўйди, ҳисоб ўзгарди — 2:1. Ҳакамнинг ўйин якунини англаторувчи ҳуштаги чалингунча таблода шу ҳисоб сақланиб қолди. Бу эса Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси тарихий воқеани амалга оширганини, илк марта финалга йўл олганини билдирарди.

(Давоми 16-бетда.)

БЕШ МЕЗОН ИЖРОСИ — БУГУНГИ КУН ТАЛАБИ

Юртбошимизнинг жорий йил май ойидаги «Болалар спорти объектларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ва унда белгилаб берилган бешта мезон талабларининг ҳар бири ёшларимиз жисмоний комиллигига хизмат қилувчи муҳит, зарур имкониятлар яратишга замин бўлиб хизмат қилаётир.

Кончилар шаҳри — Зарафшон халқ таълими бўлимига қарашли муассасаларда бу борада олиб борилаётган ишлар, яъни ёшлар ўртасида спортнинг оммавийлигини ошириш, белгиланган нормативлардан келиб чиққан ҳолда умумтаълим мактаблари, болалар спорти объектларини спорт жиҳоз-ускуналари билан таъминлаш, у ерда юқори малакали мураббий кадрлар ва жисмоний тарбия ўқитувчилари, жумладан, хотин-қиз мураббийлар фаолиятини самарали ташкил этиш эътибордаги масалалардан.

Қолаверса, спорт объектларидан фойдаланиш даражаси, яъни сутка, ҳафта мобайнида ҳар хил спорт турлари бўйича мунтазам машғулотлар ва спорт тадбирлари ўтказиш самарадорлиги ошган. Натижада, 16 ёшгача бўлган ёшлар орасидан республика ва халқаро мусобақаларда совринли ўринлар-

ни эгаллаганлар сонини кўпайтиришга қаратилган талабларнинг ижросини таъминлаш мақсадида вилоят ҳокимлиги томонидан мавжуд ҳолат ўрганилганда, умумий баллар ҳисобида энг юқори кўрсаткич белгиланди. Юқорида қайд этилган талабларга кўра, спорт жиҳозлари билан таъминланганлик даражаси эса 80 фоизни ташкил этмоқда.

— Муассасаларда малакали мутахассислар меҳнат қилаётгани, уларнинг 94,4 фоизи хотин-қизлардан иборат экани ўқувчи-қизлар ўртасида ҳам спортни кенг ёйиш имконини бермоқда, — дейди Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Зарафшон шаҳар бўлими мутахассиси Учқун Очилов. — Жорий йилнинг январь-июль ойлари мобайнида турли халқаро мусобақаларда 8, республика доирасидаги беллашувларда эса 60 нафар ёш спортчимиз иштирок этиб,

Qaror va ijro



фахрли ўринларни қўлга киритди.

Шаҳар мактабларида қизлар ўртасида спортнинг бадий гимнастика турини кенг тарғиб этиш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айни кунда бу спорт турига жалб этилганлар сони олти юздан ортиб кетди. Муассасаларни спорт жиҳозлари билан таъминлашни янада яхшилаш мақсадида сalkam 12 миллион сўмлик анжомлар харид қилиниб, жойларга етказилди. Мактабгача таълим муассасалари ва мактабларда ташкил этилган бадий гимнастика тўгараклари эса 27 миллион сўмлик жиҳозлар, 15 миллион сўмга гимнастика заллари учун махсус гиламлар ва яна 55 миллион сўмлик зарур анжомлар билан таъминланди.

Болалар спортини кенг тарғиб этиш ва ривожлантириш борасидаги кенг қўламли ислохотлар самараси фарзандларимизнинг халқаро майдонларда эришаётган муваффақиятларида бўй кўрсатмоқда.

О. МУРОДУЛЛАЕВА

ЎСМИРЛАРИМИЗ — ФИНАЛЛА!



(Давоми. Боши 1-бетда).


Ватандошларимизнинг ҳал қилувчи ўйиндаги рақиби ҳам аниқланди. Иккинчи ярим финал matchida KXDR ўсмирлари япониялик тенгдошларига қарши тўп сурди. Ўйин мутахассислари мухлислар кутганидек шиддатли тарзда ўтди. Ушбу ўйинни ҳаммадан кўра кўпроқ терма жамоамиз мураббийлари штаби алоҳида синчиковлик билан томоша қилгани аниқ. Чунки икковидан бири финалга чиқади, қолаверса, асосан кучга таянадиган австралияликлардан фарқли ўлароқ японлар ҳам, корейслар ҳам тезкор футбол кўрсатади.

Кореяликлар ўйин тақдирини дастлабки 11 дақиқа ичида ҳал қилишга муваффақ бўлди. Чжу Чжонг Чол 4-дақиқада KXDRни олдинга олиб чиққан бўлса, 11-дақиқада Пак Мён Сонг орадаги фарқни иккитага оширди. Чемпионликка асосий даъвогарлардан бири саналаётган японияликлар дарвозабони ҳар иккала ҳолатда ҳам айбни ўз бўйнига олса бўлади. 59-дақиқада Матсумотонинг урган голи амалда японлар учун ҳеч қандай натижа келтирмади. Яқуний ҳисоб 2:1 бўлди.

Демак, вакилларимиз ҳал қилувчи ҳаяжонли учрашувни Корея халқ демократик республикаси терма жамоасига қарши ўтказди. Ушбу масъулиятли ўйинда ҳам ўсмирларимизга омад ёр бўлсин. Агар улар сўнгги имтиҳондан ҳам галаба билан ўтиб олишса, Осиё чемпионатлари тарихида ўз уйида зафар қозонган биринчи терма жамоага айланади. Эслатиб ўтамиз, финал эртага Тошкент вақти билан соат 14:00да "Пахтакор" стадионида бўлиб ўтади.

Зоҳиджон ХОЛОВ

Абдуғани ЖУМАЕВ (фоторепортаж)



Ma'rifat

ТА'СИС ЕТУВЧИЛАР:

Ўзбекистон Халқ та'лими
вазирлиги, Ўзбекистон Олий
ва о'рта maxsus та'лим
вазирлиги, Ўзбекистон
Та'лим ва фан ходимлари
касба uyushmasi
Markaziy Kengashi.

Бosh муharrir:
Аbdusamat RAHIMOV

Таhрир ҳай'ати: Жumanazar BEK-
NAZAROV, Вахтийор DONIYOROV,
Bahodir JOVLIYEV (bosh муharririnг
биринчи о'ринбосари), Akmal ISLOMOV
(mas'ul kotib), Mahmuda MURZAYEVA,
Husan NISHONOV (bosh муharrir
о'ринбосари), Ulug'bek TOSHKENBOYEV,
Nurlan USMONOV (bosh муharrir
о'ринбосари, "Учитель Узбекистана"),
Aleksy CHUKARIN (mas'ul kotib, "Учи-
тель Узбекистана"), Sa'dulla HAKIMOV.

Gazeta
Ўзбекистон Matbuot
va axborot agentligida
№ 0067 raqam bilan
ro'yxatga olingan.

INDEKS: 149, 150. G-1022.
Tiraj 26930.

Hajmi 4 bosma taboq.

Ofset usulida bosilgan,
qog'oz bichimi A-3.

Navbatchi muharrir:
Hulkar TO'YMANOVA.
Navbatchi:
Sherali NAMOZOV.

«Ma'rifat»dan materiallarni ko'chirib bosish ta'hiriyat
ruxsati bilan amalga oshirilishi shart. Ta'hiriyatga yuborilgan
materiallar muallifga qaytarilmaydi.
Belgisi ostida reklama materiallari beriladi.

MANZILIMIZ: 100083, Toshkent,
Matbuotchilar ko'chasi, 32.

E-mail: info@marifat.uz
Web-site: www.marifat.uz

TELEFONLAR: mas'ul kotib—233-99-15, umumiy o'rta
va maktabgacha ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-53-16, fan,
oliy va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi yangiliklari bo'limi
— 236-54-03, adabiyot, madaniyat, kasaba uyushmalari hayoti
yangiliklari bo'limi — 236-54-69, ma'naviyat va maktabdan
tashqari ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-54-23, siyosat,
xalqaro hayot va sport yangiliklari bo'limi — 236-55-58,
reklama va marketing bo'limi — 233-42-92(faks), 236-54-17.

Bahosi sotuvda
erkin narxda

Dizaynerlar:
Liliya BINASHEVA,
Malohat TOSHOVA.

«Sharq» nashriyot-matbaa
aksionerlik kompaniyasi
bosmaxonasi.

Korxonada manzili: «Buyuk Turon»
ko'chasi, 41-uy

Bosishga topshirish
vaqti — 21.00.
Topshirildi — 22.00
UzA xuzini — 22.00